Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 40 (5334).
16 ФЕВРАЛЬ 1984 й.
ПАЙШАНБА.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Идеология ишлари хроникаси

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ленин район партия комитетида «Идеология иши — бутун партиямиз, ҳар бир коммунист ишидир» мавзуида конференция бўлиб ўтди. Унда бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг ўринбосарлари, пропагандистлар, сиёсий ахборотчилар, агитаторлар, район «Билим» жамияти лекторлари, мактаб директорларининг ўринбосарлари қатнашдилар.

Фалсафа фанлари кандидати Ш. А. Зуҳриддинов «Янги инсонни шакллантириш — коммунистик қурилишнинг мақсад ва шартидир» мавзуида доклад қилди.

«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети секретарининг ўринбосари Н. П. Кривошеева бирлашма ҳаётидан олинган факт ва рақамлар мисолида ёшларни камол топтиришда меҳнат коллективининг тарбиявий роли тўғрисида сўзлади. 158-мактаб директори Н. А. Феоктистова барча тўпланганларнинг эътиборини ёшларни тарбиялашда оила масъулиятига қаратди. Электротехника заводи комсомол ташкилоти секретари Р. И. Исломова ўз корхонаси мисолида ёшларни тарбиялаш масалалари ва вазифалари ҳақида гапириб берди.

тонги газеталарда

● КПСС Марказий Комитети Бош секретари К. У. Черненко 14 февраль куни Кремлда Франция Бош министри П. Моруани қабул қилиб, у билан суҳбатлашди. Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан Франция ташқи муносабатлар министри К. Шейсон қатнашдилар.

Совет — Франция муносабатларининг аҳволи ва истиқболлари тўғрисида фикрлашиб олиш чоғида умуман бу муносабатларнинг, шу жумладан савдо-иқтисодий соҳадаги муносабатларнинг таркиб топаётганлигидан иккала томон мамнуният изҳор қилди.

Шу куни ўртоқ К. У. Черненко Германия Федератив Республикасининг федерал канцлери Г. Коль, Буюк Британия Бош министри Маргарет Тэтчер ва Италия Республикасининг Президенти А. Пертини билан ҳам суҳбатлашди.

● СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов 14 февраль куни Кремлда Греция Республикасининг Бош министри Андреас Папандреу билан учрашди.

Суҳбат чоғида Совет—Греция муносабатларига доир масалалар муҳокама қилинди.

Шу куни Н. А. Тихонов Кремлда Туркия Республикасининг Бош министри Т. Озал ва Кипр Республикасининг Президенти С. Киприану билан ҳам суҳбатлашди.

БИРИНЧИ МАРТА

БУГУН

«Узбитпластик» ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган волейбол, футбол, баскетбол тўпларининг дастлабки туркуми республика савдо тармоқларига жўнатилди. Ушбу маҳсулот корхонада биринчи марта ишлаб чиқарилмоқда.

Бирлашмада республика юбилейи йилида йигирма хилдан зиёд кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга жорий қилинади.

К. У. Черненко Ф. Кастро билан суҳбатлашди

КПСС Марказий Комитети Бош секретари К. У. Черненко 15 февралда Куба Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Куба Республикаси Давлат кенгашы ва Министрлар Советининг Раиси Фидель Кастро Рус билан учрашди. Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков ва Куба Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Куба Республикаси Давлат кенгашы ва Министрлар Совети Раисининг ўринбосари К. Р. Родригес иштирок этдилар.

К. У. Черненко Ю. В. Андропов вафоти муносабати билан Куба коммунистлари ва барча халқи номидан чуқур ҳамдардлик изҳор этганлиги учун Ф. Кастрога самимий миннатдорчилик билдирди.

Суҳбат давомида Совет—Куба ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Ҳозирги халқаро вазиятнинг актуал проблемалари юзасидан ҳам фикрлашиб олинди. Совет томони Америка империализмининг агрессив кирдикорларига мардонавор қарши турган Куба халқи билан доимо бирдам эканлигини таъкидлади.

Суҳбат қардошларча дўстлик, сидқидиллик ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди. (ТАСС).

К. У. Черненко Д. Ортега билан суҳбатлашди

15 февраль куни КПСС Марказий Комитети Бош секретари К. У. Черненконинг Сандиночилар Миллий озодлик фронти Миллий раҳбарлигининг аъзоси, Никарагуа Миллий уйғониш ҳукумати раҳбар кенгашининг координатори Даниэль Ортега билан учрашуви бўлди. Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ва Никарагуа ташқи ишлар министри М. д' Эското қатнашдилар.

К. У. Черненко Ю. В. Андроповнинг вафоти муносабати билан Никарагуа халқи ва ҳукумати номидан Д. Ортега топширган таъзияномага учун миннатдорчилик билдирди.

Қисқача фикрлашув чоғида Марказий Америкадаги аҳволга алоҳида эътибор берилди. Шу муносабат билан иккала томон Вашингтоннинг кескинликни кучайтиришга, шу район мамлакатларининг ички ишларига аралашишга, уларга ўз тартибларини тиқиштиришга уринишини кескин қоралади. Ҳар бир халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ҳурмат қилиш асосида масалаларни одилона сиёсий бартараф этишга эришиш зарурлиги таъкидланди.

К. У. Черненко ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган Никарагуа халқининг ҳаққоний ишини совет халқи қатъият билан қўллаб-қувватлашини билдирди.

Дўстлик ва бирдамлик муҳитида ўтган суҳбатда Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров ва В. В. Прибитков; Никарагуа томонидан Сандиночилар Миллий озодлик фронти Миллий раҳбарлигининг секретари Р. Нуньес ва Никарагуанинг СССРдаги элчиси Х. Суарес ҳам иштирок этдилар.

(ТАСС).

К. У. Черненко Чионг Тинь билан суҳбатлашди

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари К. У. Черненко 15 февралда Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВСР Давлат Кенгашининг Раиси Чионг Тинни қабул қилди. Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ва КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков қатнашдилар.

К. У. Черненко Ю. В. Андроповнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдирганликлари учун Вьетнам раҳбарларига, бутун Вьетнам халқига миннатдорчилик изҳор этди.

Фикрлашув чоғида иккала томон КПСС билан ВКПнинг, совет ва вьетнам халқларининг дўстлиги ҳамда ҳамкорлигини марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализм асосида мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга азму қарор берганлигини изҳор этди.

Совет Иттифоқи билан Вьетнам халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлидаги ўз курашини изчиллик билан давом эттиришни ўзларининг бурчи деб ҳисоблайдилар. К. У. Черненко билан Чионг Тинь Осиё қитъасида яхши қўшничилик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш, Жанубий-Шарқий Осиёни тинчлик ва барқарорлик зонасига айлантириш соҳасидаги куч-ғайратлар муҳимлигини уқтирдилар.

Учрашув қардошларча дўстлик ва фикрларнинг тўла бирлиги вазиятида ўтди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўзбек совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун ёзувчи Султон Акбарий (Султон Умарович Акбаров)га **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йил самарали ишлаганлиги, юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичлари учун ва Тошкентдаги 3-ун заводи қурилганлигининг 100 йиллиги муносабати билан техник-лаборант ўртоқ Вера Макаровна Юкляевскихга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган саноат ходими»** фахрий унвони берди ва юк ташувчи ўртоқ Тўлқин Шоюнусов, завод шлифовкачиси Владимир Михайлович Юдаев ўртоқларни. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

● СЎНГГИ СОАТДА

Ер ости силкинишлари

15 февраль маҳаллий вақт билан соат 11 дан 32 минут ўтганда «Тошкент» сейсмик станцияси Наманган областининг Поп райони атрофидаги Чотқол тоғи бағрида зилзила рўй берганлигини қайд этди. Зилзила Тошкент, Наманган, Фарғонада 3 балл, ўчоғида эса 5 балл билан силкинди.

«Тошкент» сейсмик станцияси 50 минут ўтганда Тошкендан 170 километр жанубий-ғарбда— Жиззах шаҳри атрофида 6 балл атрофида куч билан зилзила содир бўлганлигини қайд этди. Бу зилзила Самарқандда 4 балл, Тошкентда 3—4, Фарғона водийсида 2—3 балл билан силкинди.

16 февралда маҳаллий вақт билан 3 дан соат 16. дан ўтганда Тошкендан 170 километр жанубий-ғарбда— Жиззах шаҳри атрофида 6 балл атрофида куч билан зилзила содир бўлганлигини қайд этди. Бу зилзила Самарқандда 4 балл, Тошкентда 3—4, Фарғонада 4, Андижонда 3—4, Тошкентда 3—3,5 балл билан қайд этилди. Соат 6 дан 19 минут ўтганда такрорий силкиниш юз берди.

57 минут ўтганда яна ер силкинганлиги қайд этилди. Зилзила ўчоғи Наманган областининг Поп районидаги Чотқол тоғи бағрида жойлашган. Зилзила Наманганда 4—5 балл, Фарғонада 4, Андижонда 3—4, Тошкентда 3—3,5 балл билан қайд этилди. Соат 6 дан 19 минут ўтганда такрорий силкиниш юз берди.

ИСТИҚБОЛНИ КЎЗЛАБ

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Бугунги кунда студентлар аудиторияси ёки ишчи коллективида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Карим Содиқович Аҳмедовга унинг фанга нима қизиқтирганлиги тўғрисида савол беришса, у иккиланмай: «Билимга бўлган иштиёқ, ўз мамлакатим, ўз халқимга кўпроқ фойда келтириш истаги», дея жавоб беради.

Билимга бўлган иштиёқ унда химияни ўз ҳаётининг мақсади қилиб белгилаш истагини уйғотди. У изчиллик билан химиянинг муҳим тармоғи— коллоидлар химияси соҳасида тадқиқотлар ўтказяпти, республикамизда биринчи бўлиб янги йўналиш — муҳим халқ хўжалик аҳамиятига молик юқори молекулали бирикмалар физика-химияси ва термохимияси йўналишини яратди. Ана шу йўналишдаги ишларнинг тараққиёти табиий газдан газоконденсатлар, саноат чиқиндиларидан қатор янги полимерлар, устки активлик моддалар ва полиэлектролитлар олинишига имкон беради. Унинг «К» серияли янги сувда эрувчи полимерлар олиш бўйича илмий ишлари халқ хўжалигининг турли тармоқларида маълум ва муваффақиятли қўлланилмоқда. Улардан тупроқ структурасини яхшилашда, нефть қудуқларини парамалашда, тўқимачилик саноатида газламаларни пардозлашда ишлатилувчи қимматбаҳо компонентларни алмаштиришда ва республикамиз учун ғоят муҳим халқ хўжалиги тармоқларида фойдаланилмоқда.

Карим Содиқович Аҳмедов 1970 йилда фан ва техника соҳасида Беруний номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати бўлди.

Карим Содиқович ўз меҳнат ва жамоат фаолияти билан кишиларнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди. У Ўзбекистон Компартияси XIX ва XX съездларининг делегати бўлди, Тошкент область партия комитетининг аъзоси, Тошкент шаҳар Советининг депутати, коллоидлар химияси ва физика-химия механикаси бўйича СССР Фанлар академияси қошидаги илмий кенгашнинг Ўзбекистон филиали раиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қошидаги атроф-муҳитни муҳофаза этиш комиссиясининг аъзоси...

Карим Содиқович ва унинг шогирдлари ҳозир ишлаётган бош проблема— турли дисперс системалар хоссаларини мувофиқлаштириш ва ишнинг физикавий-химиявий асосларини яратишдан иборат. Ана шу муаммо доирасида ҳозирнинг ўзида эрувчи полиэлектролитлар олинди. Улардан халқ хўжалигининг турли тармоқларида муваффақиятли фойдаланиляпти.

Олимнинг меҳнат фаолияти республикада олий таълимни йўлга қўйиш ва тараққий эттириш билан узвий боғланган. Мана ўн йилдан зиёд вақтдан бери у мамлакатимиздаги йирик техника олий ўқув юрти— Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг ректори бўлиб ишлаяпти.

Шавкатли меҳнати, фанга қўшган салмоқли ҳиссаси учун Карим Содиқович Аҳмедовга юксак шоич билдирилди — 602-Тошкент-Октябрь сайлов округи бўйича СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети депутатлигига номзоди кўрсатилди. Собир Раҳимов район партия комитетининг мажлислар залига, депутатликка номзод билан учрашувга унинг ҳамкасблари, меҳнат коллективлари ва ташкилотларининг вакиллари келишди.

Йиғилишни Ўзбекистон Компартияси Собир Раҳимов район комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков очди.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили ТошПИ проректори У. Икромов шундай деди:

— К. С. Аҳмедовнинг бевосита иштирокида Ўзбекистондаги маҳаллий ресурслардан халқ хўжалигида оқилона фойдаланиш бўйича тадқиқотлар кенг ривожлантирилди, 500 дан зиёд илмий асарлар, монографиялар унинг қаламига мансуб, 70 авторлик гувоҳномаси, еттита капиталистик мамлакатдан олинган 12 та патент унинг тадқиқотлари ва илмий ишлари жаҳон олимлари ўртасида маълумлигидан далолат беради.

«Компрессор» заводи қуювчиси Б. И. Усмонов, чинни заводи партия комитети секретари Ш. А. Пўлатов, химия фанлари доктори, ТошДУ профессори У. Н. Мусаев, Тошкент зонал эксперименталь лойиҳалаш илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими И. Н. Сапильникова, «Жилстрой» трести комсомол комитети секретари З. Камолиддинова ўз сўзларида Карим Содиқовичнинг юксак ишчанлик ва гражданлик ҳислатларини кўрсатиб ўтдилар.

Сўзга чиққанлар депутатликка номзодга Танисиқбоев, Олимпия ва Қорақамиш массивларида савдо маркази, район учун кўп профилли болалар касалхонаси ва «Марказ — 17», «Марказ —18» массивларида поликлиника қурилишида ёрдам кўрсатишни сўраб қаҳазлар беришди.

Учрашувда СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод — химия фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби К. С. Аҳмедов сўзга чиқди. У меҳнат коллективларига, барча йиғилганларга юксак ишонч учун чин қалбдан миннатдорчилик билдирди ва ўзига билдирилган юксак ишончни оқлашга ваъда берди.

Н. ПАНЯКШИНА.

* * *

СУРАТЛАРДА: минбарда К. С. Аҳмедов; мажлислар залида.

● ПОЙТАХТ РАЙОНЛАРИ

САЙЛОВДАН-САЙЛОВГАЧА

Чилонзор райони

РАЙОННИНГ ЯНГИ ЖАМОЛИ

Н. ДЕҲҚОНХЎЖАЕВ,
Чилонзор район Совети ижроия комитетининг раиси.

Эндиликда бизнинг районимизни Тошкент «Черёмушкаси» дейишмай ҳам қўйди. Чунки Юнусобод, Қорақамиш, Чимбой, Танисиқбоев номидаги янги турар жой массивлари эски тушунчани тасаввурдан чиқариб юборди. Лекин бу массивларнинг пайдо бўлиши ва кенгайиши билан бир пайтда бизнинг Чилонзор йигирма, ўн беш, ўн ва ҳатто беш йил илгаригидеклигича қолди деб бўлмайди. Мамлакатимизнинг олий органига бўлиб ўтган аввалги сайловлардан кейинги даврда бўлган ўзгаришлар буни тасдиқлайди.

Ўтган йиллар мобайнида район корхоналари, муассасалари, ташкилотлари яхши ишлашди. Чилонзорликлар бошқа ҳамшаҳарларимиз билан бир сафда пойтахтимиз — шонли Тошкент шаҳри янада ораста ва гўзал бўлиши учун кўп иш қилишди.

Қурувчилар нинг ютуқлари кишини қувонтиради. Олмазор турар жой массиви фойдаланишга топширилди. Бу— 200 минг квадрат метр уй-жой майдони демакдир. Учта мактаб, 1440 ўринли мактабгача болалар муассасалари, 90 ўринли шаҳар онкология диспансерининг корпуси, 6-шаҳар касалхонаси ва бошқа даволаш муассасаларининг корпуслари фойдаланишга топширилди.

Бинокорлар тошкентликларга 4500 ўринли В. И. Ленин номидаги ажойиб Халқлар дўстлиги саройини туҳфа этишди. Тошкентдаги энг гўзал турар жой массивларидан бири — Халқлар дўстлиги номидаги проспект бўйлаб метросозлар шаҳарчаси, бир қанча заводларнинг бинолари, «Ёш гвардия» нашриётининг босмахонаси, Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг биноси ва бошқа қатор объектлар қурилиши давом этяпти.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ана шу барча ҳайрли ишларни ташкил этишда партия ва совет органлари билан биргаликда халқ вакиллари — халқ депутатлари Чилонзор район Советининг депутатлари фаол иштирок этдилар. Улар сайловчиларнинг наказларини бажара бориб, янги дам олиш зонаси, қайиқ станцияси ва пляжи бўлган сув ҳавзаси қурилишини шахсан назорат этиб боришди.

Физкультура ва спорт ишларини олиб бориш анча такомиллашди, машғулотлар ўтказиш учун районда 200 та спорт иншооти бор. Спорт базалари ва бошқа объектлар барпо этиш ишлари давом этяпти.

Халқ депутатлари район Совети ва унинг ижроия комитети меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш йўлидан бориб, аҳолининг



эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш борасида изчил иш олиб боряпти.

Ҳеч шубҳа йўққи, Чилонзор райони меҳнаткашлари район партия ташкилотининг раҳбарлиги остида КПСС XXVI съезди қарорларини амалга оширишга, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун куч ва ғайратларини аямайдилар.

Факт ва рақамлар

● Район меҳнатчилари беш йилликнинг уч йили топшириқлари ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли адо этишди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 1980 йилга нисбатан 25,8 процент, меҳнат унумдорлиги 13,7 процент ўсди.

● Шу даврда транспорт корхоналари томонидан 148,3 миллион тонна халқ хўжалик юклари, 171 миллиондан ортиқ пассажир ташилди.

● Ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили бошланишида халқ депутатлари маҳаллий Советининг уй-жой фонди 1 миллион квадрат метрдан ортиқ майдони бўлган 800 та уйдан иборат бўлди. Уларни капитал ва жорий ремонт қилиш учун 16 миллион сўм сарфланди.

● Районда 70 мингдан ортиқ киши физкультура ва спорт билан шуғулланмоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида 19 минг ГТО нишондори, 17 минг разрядли спортчи, 194 СССР спорт мастери ва мастерликка номзод, 7 халқаро классдаги СССР спорт мастери тайёрланди.

● Райондаги 29 та умумий таълим мактабида 30 минг ўқувчи ўқияпти. 54 та мактабгача тарбия муассасасида 12 мингта бола тарбияланяпти. Техникум фойдаланишга топширилди. Райондаги 7 та ҳунар-техника билим юртида 3 мингдан ортиқ ўқувчи ўқияпти. Умуман фақат ўтган йилнинг ўзида халқ хўжалигига турли касблардаги 1500 мутахассис юборилди.

ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Ўзбекистон пойтахтининг Чилонзор райони йил сайин чирой очиб, ободонлашиб бормоқда. Районда янгидан-янги турар жой бинолари қад кўтармоқда, мактаблар, мактабгача болалар тарбия муассасалари, маданий-маиший объектлар қурилмоқда. Буларнинг ҳаммаси район ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг фидокорона меҳнатининг самарасидир.

СУРАТЛАРДА: Чилонзорнинг 16-кварталида жойлашган янги 164-мактабнинг кенг ва ёруғ синфлари бундан бир йил мукаддам мингдан зиёд ўқувчиларни ўз бағрига қабул қилди. Мактабда турли фанлар бўйича шуғулланиш учун яхши жиҳозланган кабинетлар мавжуд. Ўқитувчи С. Сахно дарс олиб бормоқда; Б. Шитокиннинг «Промсвязь» тажриба заводида ишлаётганига йигирма йил бўлди. Ҳозир у йиғув цехи слесарлари бригадасига етакчилик қилмоқда, коллектив 1985 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда; Халқлар дўстлиги проспектидаги янги турар жой бинолари.

Т. Каримов фотолари.

• ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ИШ УСЛУБЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

КОМПЛЕКС ПЛАН АСОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленуми энг аввало, партия ташкилотлари иш услуб ва методларини такомиллаштириш н и вазифа қилиб қўйган эди. Шу асосда 1983 йилда парткомнинг иш планини тузаётганимизда партия комитетининг иш услуб ва методларининг конкрет, ишчанлик руҳида бўлишига эътиборни қаратдик.

Ўшандаёқ биз меҳнат коллективларининг ишлари ва фаолиятига таъсир кўрсатишнинг усулларини такомиллаштириш г а аҳд қилгандик. Кўпроқ изланиш, ишчанлик, қатъият кўрсатиш муайян даражада трест коллективи фаолиятига ижобий таъсир этди.

1984 йил учун иш плани лойиҳасини кўриб чиқаётганимизда парткомнинг ўтган йилги фаолияти қандай самара берганини таҳлил этишга аҳд қилдик. Парткомнинг барча аъзолари шундай фикрга келишдики, парткомнинг иш услубида ҳали айтарлик туб ўзгаришлар рўй бермаган. Шунда биз бу мавжуд камчиликларнинг сабаби нимадалигига қизиқдик. Масалан, моддий ресурсларни тежаш, меҳнат интизоми, социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқиш, кадрларнинг ижрочилик интизоми, жамоатчилик ташкилотлари ишини текширдик. Ҳозир бу масалаларга партком муҳим эътибор беряпти. Уларнинг натижаси бизни қаноатлантирмади. Нега? Бу борада фикримиз бир жойдан чиқди. Партиявий раҳбарлик услуб ва методларини янада такомиллаштир и ш и миз зарур!

КПСС Марказий Комитетининг партия Марказий Комитети ноябрь (1982 йил) Пленуми қарорлари асосида партия ташкилотларининг иш услуб ва методларини такомиллаштириш юзасидан Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг иши тўғрисидаги қарорида таъкидланганидек, партия, совет, хўжалик кадрлари шуни яхши тушуниб олишлари керакки, раҳбарликнинг ленинча услубини қарор топтириш партиянинг иқтисодий ва социал сиёсатини, коммунистик тарбияни муваффақиятли амалга оширишнинг энг муҳим омилидир.

Партия ташкилотимизнинг иш услуб ва методларини янада такомиллаштиришда мазкур қарор дастуриламал бўлмоқда. Биз ўзимизга шундай йўналишларни белгилаб олдик: ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий ишларнинг бирлигини амалда таъминлаш, хўжалик ва социал масалаларни ҳал этишга изчил ёндошиш, қабул қилинган қарорлар ижросини ҳеч сўзсиз бажариш, кадрлардан топширилган иш учун масъулият талаб қилиш, назоратни кучайтириш, хўжалик раҳбарлари, касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари ишига партиявий таъсирни кучайтиришдан иборат.

Партком фаолиятининг бу асосий йўналишлари конкрет қандай амалга оширилади? Партия ташкилоти ва меҳнат коллективлари раҳбарларининг асосий эътибори куч-ғайратни қурилиш ишлаб чиқаришнинг асосий йўналишларига сафарбар этиш, яъни халқ хўжалик планида кўзда тутилган объектларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш, иш унуми ва сифатини ошириш, иқтисод режимини кучайтиришга қаратиляпти.

Парткомнинг иш услуби ишчи ва хизматчиларнинг турмуш шароитларини янада яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик руҳи билан суғорилган. Негаки, уларнинг меҳнат ва сиёсий активлиги шу кайфиятга боғлиқ-да.

Партком ўзининг истиқболли иш планини иқтисодий ва социал ривожлантиришн и н г комплекс плани билан узвий боғлади. Партия ташкилоти ана шундай иш олиб борганда белгиланган вазифаларни амалга оширишда унинг роли янада ошади.

Ҳар кварталда коммунист-раҳб а р л а р нинг социал ривожланиш планларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботлари тинглаб бориляпти. Ҳар икки-уч ойда бир марта коллективларда «Очиқ хатлар куни» ўтказилмоқда.

Партком касаба союз ва комсомол ташкилотлари, халқ контроли органлари фаолиятига янада чуқурроқ кириб бормоқда. Уларни коллектив олдида турган вазифаларни ҳал этишга активроқ жалб этяпти.

Ҳозир барча қуйи партия ташкилотларида коммунистлар жойлардаги ишларнинг аҳволини чуқур таҳлил этмоқдалар, ишлаб чиқаришнинг резервларини қидириб топмоқдалар. Улар меҳнат унумдорлигини пландан ташқари бир процент ошириш ва қурилиш ишлари таннархини 0,5 процент камайтириш учун курашмоқдалар.

В. ПЛЕШАКОВ,
«Средазтрансстрой» тресті партия комитетининг секретари.

Фозил Қўқонбоевич ҚЎҚОНБОЕВ

1938 йилдан КПСС аъзоси, иттифоқ аҳамиятидаги шахсий пенсионер Фозил Қўқонбоевич Қўқонбоев вафот этди.

Ф. Қ. Қўқонбоев 1904 йилда Қўқон шаҳрида ҳунарманд оиласида туғилди. Меҳнат фаолиятини 1919 йилда ишчиликдан бошлаб, сўнгра Ўзбекистон ССР касаба союз органларининг турли масъулиятли лавозимларида меҳнат қилди. Бир неча йиллар давомида республика кенг халқ истеъмоли товарлари саноати министрининг ўринбосари, енгил саноат министри, Самарқанд Совнархозининг раиси, Совнархоз раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, 1950—1952 йилларда СССР Центропромсовети раисининг ўринбосари бўлиб ишлади.

Ф. Қ. Қўқонбоев Фарғона область Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари, Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари қилиб сайланган эди.

16 йил давомида у СССРнинг Миср Республикасидаги, Суриядаги, Судандаги, Кениядаги савдо вакили, савдо бўйича маслаҳатчиси бўлиб, 1976—1979 йилларда Ўзбекистоннинг Москва шаҳридаги доимий ваколатхонаси катта референти бўлиб ишлади, 1979 йилдан эса пенсияда эди.

Ф. Қ. Қўқонбоев Ўзбекистон Компартиясининг IX, X, XI, XIII, XVII съездларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС XIX съезди делегати, III, IV ва VII чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, бир неча марта Ўзбекистон Компартияси область ва район комитетларининг аъзоси ва маҳаллий Советларининг депутати қилиб сайланган эди.

Партия йўллаган ҳар бир участкада Ф. Қ. Қўқонбоев ҳалол ва сидқидилдан, бутун куч-ғайрати, билим ва тажрибаларини сарфлаб меҳнат қилди, ишда партиявий принципиаллик ва ишчанлик, одамларга меҳрибонлик ва самимий муносабат унга хос фазилат эди. Енгил саноатда у узоқ йиллар ишлаб, унинг ривожланиши учун кўп куч-ғайрат сарфлади.

Партия ва ҳукуматимиз Ф. Қ. Қўқонбоевнинг Ўзбекистонда социализм қурилиши планларини амалга оширишга қўшган ҳиссаси, катта жамоатчилик ва давлат фаолиятини юксак тақдирлаб, уни тўртта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, Қизил Юлдуз ва «Ҳурмат Белгиси» орденлари, медаллар, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг, СССР Ташқи савдо министрлигининг Фахрий ёрлиқлари билан, «СССР тўқимачилик саноатининг аълочиси» нишони билан мукофотлаган эди.

Коммунистик партия ва халқнинг содиқ фарзанди, ажойиб ўртоғимиз ва дўстимизнинг ёрқин хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади.

И. Б. Усмонхўжаев, И. Г. Анисимкин, В. К. Михайлов, Т. Н. Осетров, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова, А. Р. Хўжаев, Ҳ. У. Умаров, А. С. Икромов, М. Ҳ. Қурбонов, О. А. Алимов, М. Х. Ҳасанов, Ғ. Н. Насриддинов, З. Ш. Сирожев, А. Т. Тўлаганов, Э. А. Таймазов, С. М. Мақсудов, Э. Т. Турсунов, Т. И. Акимова.

Энг демократик сайлов системаси

СССРнинг янги Конституцияси социалистик демократияни, жумладан Совет давлатининг бутун тарихи давомида қарор топган ва синовдан ўтган совет сайлов системасининг асосий принципларини мустаҳкамлади. Конституциянинг 95-моддасида бундай дейилади: «Халқ депутатларининг ҳамма Советларига депутатлар сайлаш умумий, тенг ва тўппа-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади».

Сайлов ҳуқуқи — у ёки бу давлатнинг қай даражада демократик давлат эканлигидан далолат берувчи энг муҳим белгидир. Бизнинг жамиятда сайловда овоз бериш — расмиятчилик эмас, балки сайловчиларнинг энг юксак хоҳиш-иродасини яққол намоён қилувчи хатти-ҳаракатдир. Овоз берилиши натижасида депутатликка номзод халқнинг ҳокимият органларидаги тўла ваколати вакили, омманинг иродаси ва манфаатларининг ифодачиси бўлиб қолади.

СССРнинг янги Конституцияси сайлаш системасига муҳим демократик ўзгаришлар киритди. Агар илгариги Конституцияга биноан, СССР Олий Советига фақат 23 ёшга, иттифоқдош республикаларнинг Олий Советига 21 ёшга тўлган кишиларгина сайланиш ҳуқуқига эга бўлган бўлсалар, эндиликда СССРнинг 18 ёшга тўлган гражданлари СССР Олий Советидан ташқари ҳамма Советларга сайланишлари мумкин. СССР Олий Совети умумдавлат аҳамиятига эга бўлган жуда масъулиятли қарорларни қабул қилиши сабабли бу Советга сайланиш ҳуқуқи 21 ёшдан берилади.

Совет сайлов ҳуқуқи фақат сўздагина эмас, балки амалда умумий сайлов ҳуқуқидир. У ҳар бир сайловчига унинг Советларга сайлаш ва сайланиш, ўзига берилган ҳуқуқни амалга ошириши учун тўла даражада имконият яратиб беради.

Социалистик сайлов системасида СССР гражданлари ва уларнинг оммавий жамоат ташкилотларига, совет давлат органларига сайловни ташкил қилиш ва ўтказишда бутун шарт-шароитлар, ҳамма имкониятлар яратилган. СССР Олий Советига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг, касаба союзларининг, Бутуниттифоқ Коммунистик Ленинчи Ёшлар союзининг ташкилотларига, кооператив ва жамоат ташкилотларига, меҳнат коллективларига, шунингдек ҳарбий қисмларда ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишларига берилади. Гражданлар ва жамоат ташкилотларининг депутатликка номзодларнинг сиёсий, амалий ва шахсий хислатларини эркин ва ҳар томонлама муҳокама қилиш, шунингдек, йиғилишларда, матбуотда, телевидение ва радио орқали агитация юргизиш ҳуқуқи гарантияланади. Сайловчилар ўз депутатларига наказлар берадилар.

Бизнинг Конституциямиз партия билан халқнинг революцион, ўзгартирувчилик фаолиятининг улуғвор якунларини мустаҳкамлаб берди. Замонамизнинг ана шу энг муҳим сиёсий ҳужжатида меҳнаткашлар революцион галабаларнинг самараларидан тобора кенг фойдаланаётган жамият бўлган, ҳаётнинг барча соҳаларида кишининг реал ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминловчи жамият бўлган етук социализмнинг манзараси тўлиқ кўрсатиб берилган. Бутун сиёсий системамиз бу ҳуқуқ ва эркинликларни гарантиялайди, бу ҳуқуқ ва эркинликлар ишлаб чиқарувчи кучларнинг муттасил ўсиши билан, жамиятнинг социал бир хиллиги ўсиб бориши билан мустаҳкамлаб берилди. Шу билан бирга ҳуқуқ ва эркинликлардан самарали фойдаланиш барча гражданларнинг жамият олдидаги бурчларини ҳалол бажаришлари билан чамбарчас боғланган. Социалистик демократиямизнинг куч ва таъсирчанлиги ҳуқуқ ва бурчларнинг, эркинлик ва гражданлик масъулиятининг бирлигига, жамият, коллектив ва шахс манфаатларини узвий равишда бирга қўшиб олиб боришга асосланган. Капитал мамлакатлардаги социал-сиёсий ва иқтисодий ларзалар, ишсизликнинг кўпайиши, меҳнаткашларнинг ҳуқуқларига қилинаётган ҳужум эртанги кундан қўрқиш ва умидсизликни вужудга келтирса, советлар юртида экономикамизнинг муттасил такомиллашиб бориши, партиянинг халқ манфаатлари тўғрисидаги тинмай қилинаётган ғамхўрлиги, келажакка чуқур ишонч туйғуларини вужудга келтиради.

СССР Олий Советига навбатдаги сайловлар мамлакатимизда чинакам халқ ҳокимиятининг тантанаси эканлигини яна бир бор тасдиқлайди, бутун совет халқининг улуғ Ленин партияси теварагида метиндек жипслигининг, совет кишиларининг коммунистик идеалларга содиқ эканлигининг ёрқин ифодаси бўлиб қолади.

К. КОМИЛОВ,
юридик фанлари кандидати.

Бепарволик оқибати

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

Қиш фаслининг тугашига ҳали бор. Лекин уйларнинг яхши иситилмаётганлиги, уй-жойлардан фойдаланиш участкаси хизматчиларининг масъулиятсизлиги ҳақида газетхонлардан редакцияга ҳамон хатлар келиб турибди.

Уйда укамнинг болалари билан 15 га яқин киши турамиз. Уйимиз 4-5 даража иссиқдан ошмайди. Совуқдан қутилиш учун бир хонага электр печка ёқиб жон сақлаяпмиз. Бир ўғлим шамоллаб касалхонада ётибди. Бизга хизмат кўрсатаётган уй-жойлардан фойдаланиш участкасига шикоят қилавериб чарчадим. Хўш, бизга ким ёрдам беради!

М. ҒУЛОМОВ,
«Марказ—27» квартали, 31-блок, 13-уй.

●

Биз қурувчиларнинг кун бўйи қиладиган ишимиз ҳаммага маълум. Барпо этаётган уйларимиз ҳар томонлама мукаммал ва тўкис бўлиши учун жон куйдириб меҳнат қиламиз. Аммо буни қарангки, бўзчи белбоққа ёлчимас деганларидек, ўзимиз яшаб турган ётоқхона ночор аҳволда. Бунинг устига икки йилдан буён иссиқлик тармоғи ишламайди. Бу ҳақда ётоқхона комендантига мурожаат қилавериб, тинкамиз қуриди. «Главташкентстрой»нинг 2-ётоқхонасидаги тартибсизлик ва камчиликлар қачон барҳам топади!

Ётоқхонада яшовчи қурувчилар номидан:
А. УСМОНОВ.

●

Биз яшайдиган уйда 20 январдан буён иситиш тармоғи ишламайди. 42-уй-жойлардан фойдаланиш участкаси ходимларига бир неча марта мурожаат қилдик. Аммо ҳеч натижа бўлмади. Масъулиятсизликка қачон чек қўйилади!

М. ИСЛОМБАРАТОВА,
Мўминов кўчаси, 1-уй, 23-квартира.

●

Уй-жойлардан фойдаланиш участкаси биздан анча нарида жойлашган бўлишига қарамасдан деярли ҳар куни бу участкага бориб уйимиз яхши иситилмаётганлиги ҳақида ёздириб келамиз. Қиш фасли бошлангандан бери уйимиздаги иссиқлик тармоғи мутлақо исимади. Ваҳоланки, ертўламизда иссиқ сувлар варанглаб оқиб ётибди. Подъездлардаги эшиклардан чиқаётган буғга одамнинг ваҳимаси келади. Лекин 64-уй-жойлардан фойдаланиш участкасидагиларнинг парвойи-палак.

А. ҚАЮМОВ,
«Марказ—26» квартали, 91-уй.

●

Мана бир ҳафтадан бери катта ёшдагилар қалин кийинишиб, бир амаллаб тонг оттиряпмиз. Ёш болалар, айниқса чақалоқлар кўп касал бўлишмоқда. Ахир уларнинг бетоблиги ишлашимизга халақит беради-ку. Наҳотки, буни бизга хизмат кўрсатувчи уй-жойлардан фойдаланиш участкасидагилар тушунишмаса!

Н. АБДУЛЛАЕВА,
«Марказ—27» квартали, 23-блок, 8-квартира.

●

Биз Юнусобод массивидаги СБ—4 кварталида жойлашган 1-«А» уйнинг, 34-квартирасида истиқомат қиламиз. Мана бир неча ҳафтадирки 51-уй-жойлардан фойдаланиш участкаси ходимларининг айби билан квартирамиздаги иситиш тармоқларининг яхши исимаслиги етмагандай, санитария жиҳозлари ҳам ишдан чиққан. Ваннахонадаги сувдан фойдалана олмаймиз, сувни очишимиз билан полларни сув босиб кетади, ва пастга — 3-қаватга оқиб тушади. Мен бу ҳақда Киров район ижроия комитетидаги мутасадди раҳбарларга ҳам мурожаат қилдим. Олти маротаба ЖЭУга бордим. Ҳеч ким ҳеч қандай ёрдам кўрсатишни хоҳламаяпти.

С. ҲАЙДАРОВА,

ГАЗЕТА САҲИФАЛАНАЕТГАН СОАТДА: Юнусобод массивидаги А—4 квартали, 19-квартира, 23-уйда истиқомат қилувчи Н. Нигматуллиндан, Акмал Икромов районидаги 12-квартал, 27-уй, 2-квартирада истиқомат қилувчи, Улуғ Ватан урушининг иккинчи группа инвалиди В. Фроловадан, «Шодлик» массивидаги 12-уй, 37, 36, 41, 43-квартираларда яшовчи Ким, Ли ва бошқалардан, Шифокорлар шаҳарчасидаги 16«а» уй, 31-квартирада истиқомат қилувчи М. Акромова, Шимолий — Шарқ массивидаги 102-уй, 1-квартирада истиқомат қилувчи А. Цикловлардан улар яшаётган уйлар яхши иситилмаётганлиги, газ босимининг пастлиги ҳақида ҳам хатлар олдик.

РЕДАКЦИЯДАН: Бир неча кундан буён давом этаётган қишнинг изғиринли кунлари турар-жой фонди ишидаги камчиликларни яна бир бор кўрсатмоқда. Иссиқликни ва ремонт ишларини бажариши керак бўлган мутасадди ташкилотлар — «Ташгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Таштеплосеть», шаҳар уй-жой бошқармаси раҳбарлари газетхонларнинг шикоятига эътиборни кучайтиришлари керак!

• Пойтахт қурилишларида

ЖАДАЛ СУРЪАТДА

ФОТОРЕПОРТАЖ

Астрономия институтининг ёнгинасида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти коллективи учун тўққиз қаватли муҳташам турар жой биноси қад кўтармоқда. Янги уй уч блокдан иборат бўлиб, бунёдкорлар бинонинг биринчи блокида қурилиш-монтаж ишларини ниҳоясига етказдилар. Шу кунларда объектда сантехниклар хоналарга санитария-техника жиҳозларини ўрнатмоқдалар.

Янги турар жой биносида қурилиш-монтаж ишларини Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасига қарашли 2-уйсозлик комбинатининг 4-монтаж бошқармасида меҳнат қилаётган Ф. Галимулин бошлиқ комплекс бригада азаматлари амалга оширмоқдалар. Мазкур бригада бунёдкорлари шаҳримиздаги илғор меҳнат коллективларининг меҳнат унумдорлигини пландан ташқари бир процент ўстириш, маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процент камайтириш бўйича бошлаб берган ватанпарварлик ташаббусини якдиллик билан қўллаб-қувватладилар. Ҳозирда бунёдкорлар иккинчи блокнинг еттинчи қаватида монтаж ишларини жадал суръатда олиб бормоқдалар. Комбинатнинг 77-қурилиш-монтаж бошқармаси электриклари монтаждан чиққан блокларга электр симларини ўтқазишяпти.

Кеча жамоатчи фотомухбиримиз Х. Мирзакаримов ана шу объект қурилишида бўлиб, бунёдкорларнинг қайноқ меҳнатини суратга «муҳрлаб» қайтди. Эътиборингизга ҳавола этилаётган суратларда илғор қурувчилар Ю. Елкин, А. Супонкин, М. Гайнутдинов, В. Бившев, В. Максименко, В. Саенко ва А. Бадалбоевлар навбатдаги вазифаларни чамалашяпти. Иккинчи суратда бунёд этилаётган тўққиз қаватли уйнинг ҳозирги кўриниши тасвирланган.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУҲБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Самарали ҳамкорлик

ОТТАВА. Фалокатга йўлиққан кемалар ва самолётларни излаш халқаро экспериментал космик системаси Коспас—Сарсат координацион комитетининг сессияси бу ерда ўз ишини тугатди. Сессияда СССР, Канада, Франция ва АҚШ вакиллари иштирок этди. Бу сессияда Буюк Британия ва Норвегия делегациялари ҳам ҳозир бўлди. Улар шу системани синашда қатнашмоқда.

Координацион комитет шу синовларнинг натижаларини кўриб чиқди, фалокатга йўлиққан кемалар ва самолётларни излаш методларини такомиллаштириш ишида ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини ўрганиб чиқди. Ҳозирги пайтда Совет Иттифоқининг иккита ва Американинг битта йўлдоши, шунингдек ердаги станциялар ёрдамида шундай излаш ишлари олиб борилмоқда. Сессия Коспас—Сарсат системасидан фойдаланувчи мамлакатлар сони кўпайтирилишини кўзда тутувчи битим лойиҳасини ишлаб чиқди. «Коспас— Сарсат системасини амалга ошириш режалари» ҳужжати 1980 йилда имзоланган, орадан икки йил ўтгач, ишлай бошлаганди. Система 1990 йилга бориб тўла қувват билан ишлай бошлайди, лекин шу соҳадаги халқаро ҳамкорликнинг ижобий натижалари ҳозироқ сезилмоқда. Шу кунгача Коспас—Сарсат системаси 57 фалокат сигналларини қабул қилиб, 138 кишини қутқаришга имкон берди.

Координацион комитет мажлисларида уқтириб ўтилганидек, Коспас—Сарсат системасининг барпо этилиши ва уни муваффақиятли ишлатиш фалокатга йўлиққан кемалар ва самолётларни излашни ташкил этиш каби инсонпарварлик проблемаларини ҳал этишда самарали халқаро ҳамкорлик қилиш учун яққол мисол бўла олади.

«Хушмуомала» йўлбарслар

Швеция йўлбарс етказиб бериш бўйича дунёдаги энг йирик мамлакатлардан бирига айланиб қолди. Яқинда маҳаллий телевидение каналларининг биридан тарқалган хабарда бу ҳақда айтилган. 1983 йилда экспортга чиқарилган бу йўл-йўл йиртқичларнинг сони 150 тага етди.

Телевидение орқали мамлакат территориясида ташкил қилинган йўлбарслар кўпайтириладиган жойдан олинган фильм яқинда намойиш қилинган. Турли катталикдаги мушуксимонлар оиласининг вакиллари қорда бемалол ўйнаб юришарди. Уларнинг бири ҳатто фильмга олаётган операторни қучоқлаб олиб, юзларини ялаб қўйган. Фильм жараёнида диктор дарҳол томошабинларни «Швецияда яратилган бу зот»даги йўлбарслар хушмуомала ва ўта ювош деб тинчитган. Мамлакатнинг совуқ иқлими тропик ҳайвонот оламининг бу вакилига ёқиб қолганлиги кўпчиликни ҳайратда қолдирди.



Деҳли—Ҳиндистоннинг йирик шаҳарларидан бири, мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий марказидир.

СУРАТДА: пойтахтда истиқомат қилувчи киши.

С. Кармалито фотоси.

* * *

Яқинда Германия Демократик Республикасида чиқарилган почта маркалари туркуми революцион Никарагуада янги ҳаёт қурилишига бағишланди.

СУРАТДА: бу почта маркасига «Никарагуа билан бирдамлик» деб ёзилган.

АДН—ТАСС фотоси.

ИЛЛЮМИНАТОРСИЗ САМОЛЁТ

Авиасозлар олдида ҳам техниканинг бошқа соҳалари каби XXI асрда самолётлар қандай бўлади деган муаммо турибди. Келажакнинг турли лойиҳалари орасида,— деб ёзади Чехословакияда чиқадиган «Млада фронта» газетаси, келажакдаги ҳаво кемаларини иллюминаторсиз қилиб қуриш ҳақидаги таклиф ҳам бор. Мутахассисларнинг ҳисоблашларига кўра, унда самолёт салонига кирувчи шовқин анча камаяр экан, фюзеляжнинг мустаҳкамлиги ортиб, самолёт қурилишига кетадиган сарф-харажат камаяркан. Пассажирлар учун парвознинг мароқли бўлиши учун иллюминатор ўрнига телевизион экран қўйилади. Натижада учаётган самолёт атрофи ва ерни экранда бемалол кўриш мумкин бўлади.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

● И. Димитров номидаги Руси кемасозлик ва кема ремонти заводининг коллективи совет буюртмачиларига топширган навбатдаги 2000 тонна ҳажмли «Ленанефть—2051» танкерида СССР Давлат байроғи кўтарилди. Юксак техника ва ишлатиш сифатларига эга бўлган бу кема олис шимолнинг қаттиқ совуқ шароитларида ёқилғи ва хом ашё ташишнинг энг юксак талабларига тўла-тўкис мос бўлиб тушади.

● Афғонистон Бахтар ахборот агентлигининг хабар беришича, Кандаҳор вилоятида маҳаллий аҳолига жабр-зулм қилган каллакесарлардан бир гуруҳи тугатилди. Ғазандалардан 100 дан кўпроқ киши ўлдирилди. Америкада ва Ғарбий Европа мамлакатларида ишлаб чиқарилган кўплаб қурол-яроғ, кўпорувчилик китоблари қўлга туширилди. Кейинги вақтларда Бадахшон, Балх, Нангарҳар вилоятларида ҳам аксилинқилобчи бандитларга қарши муваффақиятли операциялар ўтказилди.

● Эълон қилинган расмий маълумотларга кўра, 1981 йилда Покистон аҳолиси 88,8 миллион кишига етган. Кейинги ўттиз йил мобайнида мамлакат аҳолиси бир ярим баравар кўпайган. Покистонликларнинг деярли 72 проценти қишлоқ жойларида яшамоқда. Мамлакатда ҳар юз эркакка 111 нафар хотин-қиз тўғри келади.

● Миллий статистика институтининг бу ерда эълон қилинган маълумотларига мувофиқ, Португалияда «ортиқча кишилар» армияси салкам 450 минг кишига етган. Бу эса мамлакатдаги ишга яроқли бутун аҳолининг 10 процентини ташкил этади. Институт маълумотида айтилганидек, Португалия хотин-қизлари ўртасида ишсизлар эркаклар ўртасидагига нисбатан уч баравар кўпдир.

КЎТАРИНКИ ВАЗИЯТДА

ХАНОЙ. Вьетнам пойтахтидаги касаба союзларининг маданият саройи қурилишида коммунистик шанбалик меҳнат ғайрати кучайган бир вазиятда ўтди. Шанбалик Вьетнам коммунистик партияси ташкил этилганлигининг 54 йиллигига бағишланган.

Ханойдаги касаба союзларининг маданият саройи СССР меҳнаткашлари коммунистик шанбалик ва якшанбаликлар вақтида ишлаб топган ва Вьетнам меҳнаткашлари г а туҳфа тариқасида топширган маблағ ҳисобига интернационал коллектив томонидан барпо этилмоқда.

Адабиёт ва санъат

ЁШЛАР ИЖОДИГА — ҒАМХЎРЛИК ВА ЭЪТИБОР

РЕСПУБЛИКА ЁШ ИЖОДКОРЛАРИНИНГ СЕМИНАРИ ЎЗ ИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг ижодий уйида Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, республика маданият министрлиги, театр жамияти ва нашриётларнинг вакиллари иштирокида Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи томонидан ташкил этилган ёш адабиётчилар республика семинари ўз ишини қизғин давом эттирмоқда.

Қуйида ёш ижодкорларнинг асарларидан намуналарни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Бизнинг интервью

МАҲОРАТ МАКТАБИ

Республика ёш адабиётчилар семинарида Ўзбекистоннинг барча областларидан ва Қорақалпоғистон АССРдан, шунингдек, Москвадаги М. Горький номидаги Адабиёт институтида таълим олаётган 60 дан знёд ёш ижодкор иштирок этмоқда.

Семинар раҳбари, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар Союзи Правлениесининг секретари У. И. Усмонов семинар доирасида ўтказиладиган тадбирлар ҳақида сўзлаб берди.

— Семинар программаси 10 кунга мўлжалланган. Шу кунларда ёшларнинг эълон қилинган асарлари, шунингдек, уларнинг қўлёзмалари муҳокама этилади. Секцияларнинг машғулотларида эса ёш адабиётчилар ижодий жараёнининг актуал проблемаларини муҳокама қиладилар, ўз ишларидаги келгуси йўналишларни белгилаб оладилар.

Семинар ишида «Ёш адабиётчилар ижодида гражданлик ва замонавийлик туйғуси» мавзуида «Думалоқ стол атрофида» суҳбат уюштириш муҳим воқеа бўлади. Тошкентнинг йирик корхоналарига семинар қатнашчиларининг боришини уюштириш сиртдан қараганда адабий ўқув программаси билан боғланмагандек туюлса-да, бу учрашувлар уларга ҳам, корхона меҳнаткашларига ҳам катта фойда келтириши шубҳасиз.

Семинар аҳамияти ҳақида шуни таъкидлаб ўтиш керакки, у Москвада ўтказиладиган VIII Бутуниттифоқ ёш ёзувчилар кенгашига бир босқич ҳисобланади. Семинарда ёшларнинг ижоди батафсил таҳлил этилади, Москвадаги кенгашга борадиган энг муносиб ижодкорлар аниқланади.

— **Ўктам Иброҳимович, республика Ёзувчилар союзи талантли ижодкор ёшларни аниқлаш ва тарбиялаш бўйича яна қандай ишлаб олиб бормоқда?**

— КПСС Марказий Комитетининг «Ижодкор ёшлар билан ишлаш тўғрисида», «Адабий-бадиий журналларнинг коммунистик қурилиш практикаси билан ижодий алоқалари тўғрисида»ги қарорларини бизни ёш адабиётчилар билан кўп қирарали, пухта, ўйлаб иш олиб боришга даъват этади, уларнинг ғоявий ва профессионал маҳоратини оширишга муттасил эътибор беришга чорлайди.

КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми адабиётчилар, социалистик маданиятнинг барча мояндалари олдига катта вазифалар қўйди. Актуал йўналишдаги, замонавий воқелигимизни ҳаққоний акс эттирувчи ғоявий етук асарлар, эътиқодли, меҳнатсевар совет кишиларини улуғловчи, ўз олдига катта ва масъулиятли вазифалар қўйган асарлар яратиш тўла равишда ёш ёзувчиларнинг ҳам вазифасидир. Биз доимо уларни ижодий изланишларга рағбатлантирамиз.

Проза, поэзия, драматургия, болалар ва ўсмирлар адабиёти советларида бошловчи муаллифларнинг эълон қилинган асарларини, шунингдек, қўлёзмаларини муҳокама қилиш яхши натижа беряпти. Энг қобилиятли ёш адабиётчиларни биз М. Горький номидаги Адабиёт институтига ўқишга, ижодий командировкаларга юборамиз. Ёзувчилар союзининг область бўлимлари ёш муаллифлар билан ишлашга катта эътибор бермоқда. Улар адабий бирлашмалар, саноат корхоналари, маданият уйлари, клублари қошида иш олиб бораётган адабий уюшмалар, адабиёт тўгаракларига оталиқ қилмоқдалар.

Республикамиз з д а бошловчи ёш ёзувчиларга оталиқ қилиш анъанаси тусини олган. Бугунги кунда Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ойбекнинг шонли анъаналарини Ўзбекистон ССР халқ ёзувчилари Назир Сафаров, Комил Яшин, Ҳамид Ғулом, Иброҳим Раҳим, ёзувчи Одил Ёқубов давом эттирмоқдалар.

— **Бу ғамхўрлик бебаҳо албатта. Ёш адабиётчиларга нашриётларда ҳам худди шундай хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш керак...**

— Бу йўналишда ҳам кўп иш қилинмоқда. Масалан, «Ёш гвардия» нашриёти мунтазам равишда ёш муаллифларнинг «Чашма», «Илҳом», «Бойчечак» тўпламларини нашр қиляпти. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт эса «Муаллифнинг биринчи китоби», «Шоирнинг биринчи китоби», «Танқидчининг биринчи китоби» туркумларини нашр этишни давом эттирмоқда, бошқа нашрларда ҳам ёш муаллифларга кенг ўрин беряпти. Республикада «Ёшлик» журнали, «Ёшлик альманахи» нашр этиляпти, газета ва журналларнинг саҳифаларида эса ёшларнинг асарлари мунтазам эълон қилиб борилмоқда.

Шубҳа йўқки, бу семинар ва унинг якунлари ёш муаллифларнинг асарларини пропаганда қилиш ва оммалаштиришга, уларнинг асарлари ғоявий-бадиий савиясини янада оширишга кўп даражада ёрдам беради.

Жанговар йиллар садоси

● **Лутфулла Ҳамроев** — уруш ва меҳнат ветерани, СССР Журналистлар союзининг аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими. У Тошкент шаҳар партия комитети ҳузуридаги партия комиссиясининг аъзосидир. «Қизил Юлдуз», тўртта «Ҳурмат Белгиси» ордени ва бир қатор медаллар кавалери.

Улуғ Ватан уруши йилларида мамлакатимиз халқларининг қондардошлиги, якдиллиги яна бир карра синовдан ўтди. Буюк Ватанимизнинг барча халқлари бир жон, бир тан бўлиб манфур ёвга қарши курашга отланди. Уларнинг ягона мақсади ёвни Ватанимиз тупроғидан қувиб чиқариш, ғалабамиз кунлари, соатларини яқинлаштириш эди.

Умумхалқ курашини уюштириш, бу курашга оммани сафарбар этиш мақсадида Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунларидан бошлаб фронт ва армияларда, дивизияларда қизил аскар газеталари чиқарила бошланди. Бу газеталар солдат ва офицерларни мардлик ва қаҳрамонликка руҳлантирди, Ватанга, коммунизм ишига садоқат руҳида тарбияларди, душманга қарши курашда саботли бўлишга ундади.

1941—1945 йилларда деярли ҳамма фронтларда ўзбек тилида ҳам газеталар чиқарилди. Шулардан бири — Брянск фронтидаги ўзбек жангчилари учун ташкил этилган «Душманни тор-мор этишга» газетаси эди. Бу газета Ватанимиз пойтахти — Москва остоналарида шиддатли жанглар бораётган бир пайтда, 1941 йилнинг августоидан пайдо бўлди. Газета Орёл, Белгород, Курск, Брянск ва бошқа шаҳар-қишлоқларни фашист босқинчиларидан озод қилиш учун курашган аъзамат жангчиларга руҳ ва мадад бахш этди. Газетада Улуғ Ватан уруши фронтларидаги мислсиз жасоратлар ҳақида хабар, мақолалар билан бирга, шоирларнинг даъваткор шеърлари ҳам босиларди. Жангчи шоирлардан Ш. Рашидов, М. Бобоев, М. Муҳамедов, Т. Эрназаров, Жума Эргаш ва бошқаларнинг шеърлари тез-тез чоп этиларди. Улар автоматларни елкага осиб, окопларда, ертўлаларда ижод қилардилар. Фронтчи шоирлар билан бирга республикамизнинг н г атоқли шоирлари ҳам газетага ўз асарларини йўллардилар. Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Зулфия ва бошқа шоирларнинг фронтчи ўзбекларга ёзган коллектив шеърий мактуби окопларда қасамёд сингари янграган эди.

Брянск фронтининг қўшинлари 1943 йил сентябрида ўз жанговар вазифаларини бажариб бўлдилар. «Душманни тор-мор этишга» газетаси 2-Болтиқ бўйи фронти ихтиёрига ўтказилди ва у ерда «Суворовчи» номи билан чиқа бошлади. М. Муҳамедов, Н. Эгамназаров, Н. Юсупов ва бошқа журналистларнинг ғайрат-шижоати туфайли газетанинг ҳар бир сони сермазмун ва мароқли чиқарди.

Мен ҳам ўша йиллари ўз жанговар дўстларим билан бирга ана шу фронт газеталарида ишлаганман. Орадан йиллар ўтса-да ўша суронли кунлар ёди, жанговар дўстларим қиёфаси сира кўз ўнгимдан кетмайди. «Душманни тор-мор этишга» ва «Суворовчи» газеталарининг тўпламларини ҳозиргача мўътабар ёдгорлик сифатида сақлаб келаман. Чунки бу газеталарнинг ҳар бир сатрига дўстларим — ҳарбий журналистлар, шоир ва ёзувчиларнинг меҳнати сингган.

Фронт газеталари саҳифаларидан олинган айрим шеърларни ҳурматли оқшомхонлар эътиборига ҳавола этишни лозим топдим. Бу сатрлар ғалабага улуш қўшган жангчилар, шоирлар, журналистларнинг мислсиз жасоратидан гувоҳлик беради.

Л. ҲАМРОЕВ.

СОҒИНЧ

Чиқиб кетдим бир кун қишлоқдан,
Орзулардан юрагим тошиб,
Ўша оқшом поезд ортидан,
Болалигим қолди адашиб.
Қолди унда барча-барчаси:
Тутзор чети,
Оҳу кўз булоқ.
Қорамағиз қизлар ялласин,
Энди мумкин фақат қўмсамоқ.
Қолиб кетди қирлар, қўралар,
Бўғотларда очилган лола.
Тоққа кўчган чўпон қизнинг
Изларидан бўзлаган бола.
Ялпиз бўйин симирib сармаст,
Телбаланиб оқувчи анҳор.
Жонободлик сулувлардек ноз —
Карашмали, ҳаёли баҳор.
Турфа экан тақдирлар асли,
Инсонлар ҳам қушдай беқўним.
Ўтиб борар йигитлик фасли
Топгандайман шаҳардан қўним.
Қишлоқ хаёлларн...
Юрагим пора,
Соғинч ўртар гоҳида жонни.
Осмонўпар бинолар аро,
Излагайман она маконни.

* * *

Толиқаман, оғир ўйларим,
Хаёлларим заминдан катта.
Тун бахтимдай ниҳоя ва ярим,
Сен келасан, сен ойдин шарпа.
Хотирага асло ўлим йўқ,
Иккимиздан қўрқмайди ҳам у.
Менинг умрим хато кетган ўқ
Сен жароҳат топмаган оҳу.
Тонг —
Онамнинг сарин нафаси,
Мен оромга тўймаган фурсат.
Тун —
Умримнинг жажжи лаҳзаси —
Кундузимдан келган

«қора хат».

М. К. га

Қадрдон дўст,
Сен менга инон,
Юракларнинг бордир ўз тили.
Қолган барча шевалар ёлғон,
Барча тиллар шу тилнинг қули.

Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ.

● Абдунаби Бойқўзиев — 1954 йилда Андижон область Избоскан районида туғилган. 1983 йилда В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Шеърлари «Ёшлик баёзи», «Ёшлик» альманахлари, республика газета ва журналларида босилган. «Муштум» журналида ишлайди.

УМИД

Олисларда милтирайди бир юлдуз,
Юлдуз эмас, келажакка умидим.
Умид борки, уфқларга боқар кўз,
Умид борки, инсон ташлар зўр одим.
Умид билан чароғондир бу ҳаёт,
Чўққиларга интилиш бор, бор ишонч.
Умид борки, куй таралур, бор баёт,
Марраларга етмаклик бор, бор қувонч.
Ўн еттинчи йилда улуғ бободлар,
Ойдин умид ҳадя этди бизларга.
Шунда тегди кўкракларга саболар,
Зиё келди гўё ожиз кўзларга.
Шодлик келди кўкси яра ишчига,
Кулбаларга офтоб келди, бахт келди.
Даврон бўлди ялангоёқ қўшчига
Ишчи-деҳқон ўғлонига тахт келди.
Фашистлар ҳам чангал солиб кўрдилар,
Бахтимизга, юртимизга, одамлар.
Фронтларда кеча-кундуз қон кечиб,
Умидимни қайтиб олди дадамлар.
Энди навбат бизга келди дўстларим,
Куррамизни асрамоқлик бизга бурч.
Чақириқдир ҳар бир шеърим, сўзларим,
Ҳушёр турсак, енга олмас ҳеч бир куч.
Умидимиз асраб қолинг одамлар,
Токи ҳаёт хазон янглиғ сўлмасин,
Заминда бахт-қувонч бўлсин ҳамиша,
Авлодларим уруш дағин кўрмасин!

Абдумажид ХОЛМИРЗАЕВ.

БАҲОР

Яхши ўйлар оғушида авж билан келдинг,
Турфа куйлар оғушида мавж билан келдинг,
Насимларга ялла билан қўшиқ куйлатиб,
Бошгинангда қизғалдоқдан тож билан
келдинг.

Баҳор!
Ирмоқчалар шундай кунинг завқига тўлди,
Япроқчалар гул-ғунчалар суҳбатин илди,
Юксакликда қаҳр билан кулса гулдурак—
Чақмоқчалар баҳор сенин яшната билди,
Баҳор!
Чорла мени, югурайин бағрингга шошиб,
Чунон сени соғиндим-ку дилгинам тошиб,
Сўз излайман, сайқал дея шаънингга
рангин,
Ахир, ўзинг сайқалсан-ку, келдинг нур
сочиб.
Баҳор!
Энтикаман, шодланаман, борлиққа боқиб,
Вужудимга шеър қуйилар, куй келар оқиб,
Оҳанглардан, оқ тонглардан сўраб олганим,
Билсанг эди, оҳ қанчалар кетишинг ёқиб,
Баҳор!

Сайёра ТЎЙЧИЕВА.

КУЗ

Бедазор анқийди чигиртка билан,
Қизиб ўт чиқарар отининг излари.
Хазонли қишлоқни машъала ёқиб,
Супуриб чиқади кузнинг сўзлари:
«Боғларни шип-шийдон қилолсам агар,
Тозалаб қўёлсам совуқ меҳмонга.
Кейин кетар эдим беташвиш, беғам,
Кейин кетар эдим тағин осмонга».
Бедазор анқийди чигиртка ила,
Шуълалар узилар бўшлиқни чирмаб.
Юпун далалар тунд.
Танҳо қайрағоч,
Хаёлга толади олисга қараб.

Абдували ҚУТБИДДИНОВ.

НИЯТИНГИЗ ОЙДИН БЎЛСА...

Отингизнинг яғрига қамчин-ла уриб,
Менинг минган ғиротимдан ўзмоқ истайсиз.
Лекин отнинг аҳволини англамай туриб,
Бекор уни қамчилайсиз, бекор қистайсиз.
Турса ҳамки туёқлари темир тақада,
Имконидан олдин чопиб елларга етар.
Лекин сизнинг «ўзга биздан юрсин орқада»,
Деган ғараз фикрингизни қамчин фош этар.

● Ҳамид Норқулов — 1953 йилда туғилган. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини тугатган. Шеърлари 1973 йилдан буён республика газета ва журналларида эълон қилиб келинади. Ҳозирги пайтда Ўрта Чирчиқ районидаги «Машъал» газетасида масъул секретарь бўлиб ишлаяпти.

Нийатингиз ойдин бўлса, қанот ҳам боғлаб,
Тулпор ҳатто шиддат билан етказар кўкка.
У маҳалда бахт ва олқиш кўнглингиз чоғлаб,
Варча ғайир ўйларингиз чиқарди йўққа...
Бу ҳаётда яшаш аслн берилмас текин,
Умринг бекор: ндрокингга ақлинг етмаса...
Демак, мендан ўзишингиз мумкин ва лекин
Узолмайсиз дилингиздан ҳасад кетмаса.

ЎКИНЧ

Дарахтлар пойига келтирар шошиб,
Қуёшнинг ҳиднин майин шамоллар.
Куртаклар сепкилдай юзига тошиб
Шу дамда новдалар уйғониб қолар.
Илдизлар устидан чиққан майсалар,
Қўлларин чўздилар, новдалар кулар.
Қўлларн етмайди, қанча чўзсалар
Шунча кўп баландга интилди улар.
Майсалар қирларга ёйилиб кетди,
Қайрилиб боқмади новдалар ахир.
Ҳорғин куз келган чоқ қай хато ўтди,
Нечун манманликнинг қисмати тахир!!
Энди-чи, новдалар титрайди таранг,
Сарғайган япроқлар-армонли мактуб.
...Шамоллар ундаги ўкинчин қаранг,
Ҳар битта майсага борар ўқитиб.

ОТАМНИНГ СЕВГАН ГАПИ

Насиҳат,
Бу яхши йўл-йўриқ болам,
Ўрганган маъқулдир унинг озига.
Жуда кўп насиҳат эшитган одам,
Ишонмай қоладн баъзан ўзига.

Ҳамид НОРҚУЛОВ.

КИНОЧИЛАРНИНГ ЯНГИ РЕЖАЛАРИ

Комил Ёрматов номидаги «Ўзбекфильм» киностудияси ижодкорлари янги йил режаларини белгилаб олишди. Санъаткорларимиз шу йилнинг ўзида саккизта бадиий ва телевизион фильм яратишади. Чунончи Элёр Эшмуҳамедов «Хайр, ёз» номли бадиий фильмни ишлайди. Картинада икки инсон муҳаббати тараннум этилади. Улар бирга улғайиб, бир-бирларига кўнгил қўйишган. Илк муҳаббат қувончи, қаҳрамонларнинг дастлабки ташвиш ва қайғулари мана шу сершовқин бугунги кунимизда кечади. Картина сценарийсини Ж. Исҳоқов ва Э. Эшмуҳамедовлар қаламига мансуб. Режиссёр Ғиёс Шермуҳамедов эса таниқли ёзувчи Ўктам Усмоновнинг «Гирдоб» романи асосида шу номли фильм ишлайди. Бўлажак картинада пахтанинг янги навини топишга аҳд қилган ёш селекционер олим тақдири тўғрисида ҳикоя қилинади. Фильм сценарийсини москвалик кинодраматург Анатолий Галиев ёзган. Кинолентада совет олимларига хос бўлган маънавий юксаклик, жамиятда ўз ўрнини топа билиш, ҳар бир ишга масъулият билан ёндошиш каби фазилатлар ўз аксини топади.

Киносанъаткор Мелис Абзалов яна комедия жанрига мурожаат этмоқда. Бу сафар унинг ижодий группаси таниқли ёзувчи Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони» драмасини бадиий экранда мужассамлантиради. Картина сценарийсини таниқли арман кинодраматурги Эдуард Акопов ёзган. Режиссёр Анатолий Қобулов эса тариҳий-революцион мавзуга қўл урмоқда. Г. Тюрин сценарийси асосида суратга олинадиган фильм «Ёдгорлик» деб аталади.

Шунингдек, режиссёр Г. Бзаров Д. Орлов сценарийси асосида ишлаётган «Жаҳаннамдан репортаж» фильми устидаги ишни бу йил ниҳоясига етказади. Картина воқеалари Осиёнинг жанубий-шарқий мамлакатларидан бирида бўлиб ўтади. Таниқли режиссёр Ш. Аббосов инқилоб куйчиси, шоир, адабиётчи, драматург Ҳамза ҳақидаги «Оловли йўллар» телевизион фильмини ҳам бу йил якунлайди. Мазкур киноэпопеянинг тўртинчи цикли иккита фильмдан иборат. Улар «Туркистон аланга ичида» ва «Менинг Республикам» деб номланади. Ўзбекистон ССР халқ артисти Латиф Файзиев ҳинд ҳамкасблари билан ҳамкорликда ишлаётган «Севги ҳақида афсона» деган икки серияли бадиий фильмини ҳам томошабинлар эътиборига йил охирида тавсия этса ажаб эмас. Киноасар асосида машҳур ҳинд афсонаси ётади, унда ҳинд ва Ўрта Осиё халқлари ўртасидаги дўстлик тараннум этилади. Бош қаҳрамонлар — Иззат ва Сони ролларини С. Доэль ва Пунамлар ижро этишмоқда. Шунингдек, ҳиндистонлик Ш. Капур, Гран, З. Омон, ўзбекистонлик З. Муҳаммаджонов, Г. Жамилова, арманистонлик Ф. Мкртчян каби таниқли актёрлар қатнашишади.

Кинематографчилар болалар аудиториясини ҳам эсдан чиқаришмаган. Чунончи режиссёр Ҳ. Файзиев Л. Маҳмудовнинг «Кундалик хат ва биринчи синф ўқувчиси» қиссаси асосида шу номли икки серияли телевизион бадиий фильмни ишламоқда.

«Ўзбекфильм» қошидаги мультбирлашмада ҳам иш қизғин. Шу йилнинг ўзида мультфильм ижодкорлари олтита киноасар яратишга аҳд қилишган.

Режиссёрлар Зиновий Ройзман ва Дамир Салимов раҳбарлигида Александр Файнберг сценарийси бўйича ишланадиган икки новелладан иборат «Томчи», режиссёр Нозим Тўлахўжаев бошчилигида яратиладиган «Ёқимли ёмғир ёғади», «Фаррух ва Зумрад», Музроб Баймуҳамедов суратга оладиган «Қизча ва Олапар» каби мультфильмлар шулар жумласидандир. Уларда олийжаноблик, мардлик, муҳаббат каби чин инсоний хислатлар тараннум этилади. Шунингдек, «Ўзбекфильм»да олтмишдан зиёд бадиий фильм ўзбек тилига дубляж қилинади. «Наштар» сатирик киножурналнинг 6 сони чиқарилади.

Шубҳа йўқки, бўлажак киноасарлар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 60 йиллигига кино санъаткорларининг муносиб туҳфаси бўлади.

Шуҳрат ҲИДОЯТОВ.

* * *

СУРАТДА: «Жаҳаннамдан репортаж» фильмидан кадр.

Шароф РАШИДОВ.

ҚАСОС ОЛ!

(Дўстимнинг қаҳрамонона ўлимига бағишлаб)

Унинг номи ўлмас афсона,
Қуёш кабн кўргай умрлар.
Умрларнинг тарихи ундан,
Сира ўчмас достон олурлар.
Ўлим борки — мўътабар ҳаёт,
Ўлим борки — унга минг
нафрат.
Ўлим борки — тирикдан тирик,
Ўлим борки — ўчмоқ мангулик.
Қайғурма дил, унга офарин,
Ўлимларни ўлдириб ўлди.
Ўлим дами, мард туриб жангда
Ғалабани келтириб ўлди.
Дўстим ўлди жангда шон
билан,
Шундай ўлим ўзи бир иқбол.
Ўлка деди: «Қани жангга кир,
Дўстинг учун ёвдан қасос ол!»

«Душманни тор-мор этишга» фронт газетаси, 1943 йил, 22 август.

УЙҒУН.

ҚАРҒИШ

Кет! Йўқол! Малъун, касофат!
Кет жаҳаннам қаърига!
Бўлди, бас, дунёни бузма!
Кир қаро ер бағрига!
Кезма ҳайвон, боғларимни!
Топтама гулшанни мол!
Булғама, чиқ, чўчқа тумшуқ,
Лолазоримдан йўқол!
Титрама номард, жавоб бер,
Барча бадкоринг учун!
Хун тўлайсан энди элга
Берган озорнг учун.
Хун тўлайсан энди малъун,
Барча қурбонлар учун.
Ҳеч гуноҳсиз ўлдирилган
Беҳисоб жонлар учун.
Ёндирилган хону-монлар,
Боғу-бўстонлар учун.
Хун тўлайсан куйдирилган
Зўр гулистонлар учун.
Титрама, ҳайвон, ўчим бор,
Сўзларим тўлган ғазаб.
Мен сенинг азроилингман,
Кўзларим тўлган ғазаб.
Астн чиқмасман ҳумордан,
Тўкмасам ёшингни мен.
Чиқмас армоним кўнгилдан,
Кесмасам бошингни мен.
Чўзмагин энди қўлинг, ким —
Қутқарар ғамдин сени?
Қайси тангринг сақлай олар
Энди зарбамдан сени!
Янчилар чоғинг етишган,
Қон бўлур ёшинг сенинг.
Ярқирар дастимда шамшир,
Қирқилур бошинг сенинг!
Кет! Йўқол! Малъун, касофат!
Кет жаҳаннам қаърига!
Бўлди, бас, дунёни бузма!
Кир, қаро ер бағрига.

«Суворовчи» фронт газетаси, 1943 йил, 21 декабрь.

СЕН МЕҲНАТ ЖАНГЧИСИ

Сен меҳнат жангчиси,
Қадрли дўстим.
Фронтдадир менинг
Жанговар постим.
Шаклан масофамиз
Жуда ҳам йироқ.
Мазмун-чи, жуда
Яқиндир бироқ.
Сен қўйган қўрғошин
Менинг фахримдир.
Ёвга бўлган ғазаб
Ҳамда қаҳримдир.
Сен берган гранат
Ёвга қазир гўр.
Дўстликнинг қудрати
Ҳар нарсадан зўр.
Сен мактуб ёзгансан
Жуда афсус еб.
Хафаланма дўстим,
Орқадаман деб.
Сен ишлаган қурол
Жанговар ёрдир.
Гўёки ёнимда
Сен ўзинг бордир.
Мен каби жангчисан
Ҳа сен орқадош.
Мен Ғарбга, сен ютуқ
Томон олға бос!

Гвардиячи сержант ТЎҒОН ЭРНАЗАР.

«Суворовчи» фронт газетаси, 1943 йил, 23 декабрь.

СЕНИ МЕНГА ХАЛҚ БЕРДИ

(МИЛТИҒИМГА)

Сени менга Ватан берди, халқ берди,
Оловимсан, ханжаримсан, ёримсан.
Сени менга Севги берди, ҳақ берди.
Ёвга қарши вулқонимсан, норимсан.
Сендан учган ўқнинг йўқдир хатоси,
Фрицларга, ўғриларга насиба.
Майдон аро пўлат найзанг тиғлари,
Ҳаромнинг қонин қилди бир жилға.
Кеча-кундуз қўйнимда ва ёнимда,
Севган ёрдай ажрамаган ҳамроҳим.
Ўлим билан ёқалашган онимда,
Қуролимсан, паноҳимсан-паноҳим.
Бу жанговар қаторларда бардамман,
Бу узилмас занжирнинг бир ҳалқаси
Туғишганман сен-ла, бир жон,
бир танман,
Бехатардир сенга ўлимнинг саси.
Сенн ушлаб ичган онтим эсимда,
Қайтмайман ҳеч сўнг дамгача
сўзимдан.
Халқ қасоси, зўр бурчи бор
зиммамда,
Қайтмагайман арслондай ҳеч
изимдан.
Сени менга Ватан берди, халқ
берди,
Оловимсан, ханжаримсан, ёримсан.
Сени менга севги берди, ҳақ берди,
Ёвга қарши вулқонимсан, норимсан.
Қизил аскар
Мамарасул БОБОЕВ,

«Душманни тор-мор этишга» фронт газетаси, 1943 йил, 9 июль.

СЕНИНГ АМРИНГ

Ўзбек жангчиси Босит Ҳусанов Белоруссияни фашист газандаларидан озод қилишда актив жанг қилди. Соғ дарёсини кесиб ўтиш учун бўлаётган шиддатли уруш пайтида, у ўз хотини Сонядан хат олди. Хатда бундай сатрлар бор эди:

«Ҳалолингни ҳаром қилиб нфлос ёв,
Номусини барбод қилсин, демасанг.
Ёш умрнмни ҳазон қилиб беаёв,
Бағримни минг пора тилсин,
демасанг,
Ўлдир ёвни, жон қарағим, ўлдиргин,
Эл-юртингни қувончларга тўлдиргин.
Интизорман ғалабангга эй шерзод,
Мени десанг — майдонга кир,
жавлон қил,
Гар истасанг мен яшайин ҳур-озод,
Ёв қони-ла зулм тахтин ағвон қил!
Ўлдир ёвни, кеча ўлдир ва кундуз,
Ёвни ўлдирганлар эрур ёруғ юз».

Босит Ҳусанов ёрининг амрини бажо келтириб, ҳужум жангига отланди. Бу жангда кўрсатган қаҳрамонлиги учун у биринчи даражали «Ватан уруши» ордени билан мукофотланди.

«Мардлик қиссаси» китобидан.

3 Тошкент бет окшоми
16 ФЕВРАЛЬ, 1984 й.

ҚАТРАЛАР

Меҳнатсиз яшаган ки-шининг умри ўткинчи шамолга ўхшайди. Фақат овози эшитилади-ю, ҳеч нарсага фойдаси тегмай ўтиб кетади. Аксинча одамларни безовта қилади.

● Орзу — одамнинг қанотидир. У билан киши узоқларга парвоз қила олади.

● Яшашда мақсад бўлмаса, ҳаётда маъно бўлмайди. Мақсадсиз киши тунда йўлдан адашган йўловчига ўхшайди.

● Боғбоннинг номини ўтказган кўчати сақлаб қолади. Унинг экқан ҳар бир ниҳоли ўзига ясаган ҳайкалидир.

● Шоирнинг қалами йўқолгани билан фикри йўқолмайди.

● Китобни ўқиб чиқиб, сўнгра жавонда сақлаш билан киши китобхон бўлолмайди. Ундаги яхшиликлардан ўрганиш ва бошқаларга ҳам ўргатиш керак.

● Яхши дўстни ўзим деб бил, ёмон дўстни ўлим деб бил.

Нормамат ТОҒАЕВ.

„ТО" спорт ҳафтаси

КАМАЛАК ШАХМАТ КЛУБИ

Клуб Советининг раиси гроссмейстер Георгий АЪЗАМОВ

● Шахмат юлдузлари

ЗАРГАРОНА МАҲОРАТ ЭГАСИ

Хосе Рауль Капабланка Грауперра — учинчи Жаҳон чемпионидир. У 1921 йилдан 1927 йилга қадар Жаҳон шахмат тождори бўлган.

Х. Р. Капабланка 1888 йилнинг 19 ноябрида Гаванада туғилди. Тўрт ёшлигидаёқ у шахмат ўйнашни ўрганган эди. Саккиз ёшида уни Гаванадаги машҳур клубга юборишди. Орадан уч йил ўтганидан кейин Хосе Кубадаги етакчи шахматчилардан бири бўлиб етишди. Кейин у Колумбия университетига ўқишга кирди. Университетдаги ўқиш йилларида ёш Капабланка мусобақаларда, бир вақтда ўтказилган сеанс учрашувларда кўп қатнашди. 1909 йилда АҚШ чемпиони Ф. Маршалл билан бўлган матчда ишончли ғалабани қўлга киритди. Бу муваффақиятлари учун Капабланкани 1911 йилда Сан-Себастьян турнирига таклиф этишди. Турнирда А. Рубинштейн, М. Бидмар, Ф. Маршалл, А. Немцович, О. Бернштейн сингари жаҳоннинг машҳур гроссмейстерлари иштирок этди. Фақат жаҳон чемпиони Эм. Ласкер қатнашмади. Турнирда Капабланка барча қатнашчилар, жамоатчиликни ҳайратга солиб, ғолиб чиқди ва Жаҳон чемпионига даъват хати йўллади. Аммо музокаралардан иш чиқмади. Шунга қарамасдан улар учрашишди. Тўғри бунга қадар, яъни, 1914 йилда Петербургда гроссмейстерлар турнири ўтказилди. Унда энг кучли шахматчилар қуйидаги тартибда жойлашишди: Эм. Ласкер, Х. Р. Капабланка, А. Алёхин. Бу турнирда Капабланка пешқадамлик қилаётган эди. Аммо ҳал қилувчи учрашувларни Эм. Ласкер ва З. Таррашга бой бериб, иккинчи ўрин билан кифояланди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланди. Европада шахматга бўлган қизиқиш сўнди. Капабланка океан ортидаги мусобақаларда иштирок эта бошлади. 1919 йилда Гастингсдаги «Ғалаба турнири»да биринчи ўринни эгаллади.

1921 йили ҳар жиҳатдан тайёргарлик кўрганлиги учун Эм. Ласкер билан бўлган учрашувда ғалабага эришди. Жаҳон шахмат тождори сифатида 1922 йилда Лондонда ажойиб маҳорат кўрсатди. Бу ердаги турнирда А. Алёхин, А. Рубинштейн, Р. Рети, Е. Боголюбов, Г. Мароци, М. Эйвени орқада қолдирди...

1924 йилда Жаҳон шахмат федерацияси ташкил этилди ва Нью-Йоркда энг кучли шахматчиларнинг турнири ўтказилди. Совриндорлар ўн йил муқаддам бўлган тартибда жойлашишди: Эм. Ласкер, Х. Р. Капабланка, А. Алёхин. Орадан бир йил ўтганидан кейин Капабланка Москвада ўтказилган турнирда учинчи ўринни эгаллади. «Нью-Йорк—27 олтилар турнири»да Капабланка ажойиб ғалабани қўлга киритди. Бу ерда у бўлажак рақиби А. Алёхин, шунингдек А. Немцович ва бошқаларни орқада қолдирди. 1927 йилнинг кузида Х. Р. Капабланка билан А. Алёхин ўртасидаги тарихий учрашув бўлди. Шу учрашувдан кейин Жаҳон чемпиони ўзгарди. ... Капабланканинг ўйинини дебютда тезкор ва шиддатли, партиянинг ўрталарида фигураларни баҳамжиҳат ҳаракат қилдиради, партияни ниҳоятда аниқ якунлайди, деб баҳолашарди. Унинг ўйинида аниқ мантиқ, айни пайтда яққол тасаввур бўларди. Бу нарсага у вазиятни тўғри баҳолай олиш қобилияти, яхши ва тез ҳисоблаши, техника сирини пухта билиши туфайли эришган эди.

Капабланка Жаҳон чемпиони унвонини топширганидан кейин турнирларда жуда кўп қатнашди. Ғолиб чиқди ёки энг кучли учликдан жой олди. Шунга қарамасдан А. Алёхин билан матч-реванш ўтказиш мумкин бўлмади. Унинг ўтказилишига моддий шароит тўғри келмади.

Капабланканинг кейинги даврдаги эришган ютуқлари қуйидагича. 1936 йилда Москвада биринчи ўрин; 1936 йилда Ноттингемда М. Ботвинник билан 1—2 ўрин. Капабланка 1943 йилда Нью-Йорк шаҳрида вафот этди. Ёзилган таъзияда А. Алёхин уни «шахмат даҳоси» деб атади. 1962 йилдан буён Кубада Капабланка хотирасига бағишлаб халқаро турнир ўтказилмоқда.

Г. БОРИСЕНКО,

хат ва телеграф орқали ўтказилган мусобақалар гроссмейстери, СССР спорт мастери.

БАДИИЙ ГИМНАСТИКА

Гўзаллик ва чаққонлик кўриги

Яқинда Тошкентдаги «Меҳнат резервлари» спорт комплексида бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Ғолиблик учун баҳсда олтмишга яқин ёш гимнастикачи қизлар иштирок этди.

Тошкентлик спорт мастери Марина Николаева машқларни бажариш пайтида ўзига хос маҳорат ва чаққонлик кўрсатди. У кўпкурашда республиканинг мутлақ чемпиони унвонини олди. Шунингдек, программадан жой олган барча машқларни бажаришда ҳам биринчи ўринни эгаллади.

Ёш спортчи эришган ютуқда унинг устози, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренер Ирина Александровна Винернинг ҳам ҳиссаси бор, албатта. Бу талабчан аёл айни пайтда мамлакат терма командасининг аъзоси, халқаро классли спорт мастери, СССР халқлари VIII ёзги Спартакиадасининг чемпиони Венера Зариповага ҳам тренерлик қилмоқда.

Бадиий гимнастика бўйича ўтказилган республика биринчилиги гўзаллик ва чаққонлик кўриги бўлиш билан бирга, мамлакат биринчилигида республика шарафини ҳимоя қиладиган спортчиларни танлаб олиш вазифасини ҳам бажарди. Маълумки, ўқувчиларнинг XVII Бутуниттифоқ Спартакиадаси шу йилнинг июнь ойида Рига шаҳрида бўлади.

СУРАТДА: рақиб дугоналар.
А. Рисқиев фотолари (ЎзТАГ).

АНЪАНАВИЙ СПАРТАКИАДА

Яқинда «Меҳнат» кўнгилли спорт жамияти Тошкент область Советининг XXI1 анъанавий Спартакиадасини ўтказиш ташкилот комитетининг биринчи йиғилиши бўлди. Бу Спартакиада Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги, XXIII ёзги Олимпиада ўйинларига бағишланади. Спартакиадада Тошкент шаҳри ва Тошкент областидаги спорт клублари, саноат корхоналари, физкультура коллективлари иштирок этади.

Спартакиадани 24 мартдан 24 майга қадар ўтказиш белгиланди. Иштирокчилар спортнинг 20 тури бўйича баҳс юритадилар. Спартакиаданинг тантанали очилиш маросими 9 Май куни Тошкент трактор заводининг стадионида бўлади.

● *Техника янгиликлари*

Тежамкорлик йўлида

Металл контейнерлар бутун бир автобазани тежай олади. «Ўзавтотранстехника» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Самарқанд тажриба-экспериментал механика заводининг мутахассислари шундай деб ҳисоблайдилар. Заводда қум, шағал, мармар ушоғи каби бинокорлик материаллари ташишда ишлатиладиган контейнерларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Шу контейнерларнинг ҳар бирига бир ярим куб метр ёки 2,5 тонна энерт материал сиғади.

Энди Тошкент-Чиноз ҳамда Самарқанд-Жиззах автомагистралларида ҳар қандай бўш юк машинаси шаҳарлараро юк ташиш бирлашмасининг кўрсатмасига биноан автомашина борадиган йўлда жойлашган уйсозлик комбинатлари ва қурилишлардан юк тўлғазилган контейнер ортиб олади. Шу усулда ҳар куни минглаб тонна юк ташиладики, илгари бунинг учун махсус транспорт ажратишга тўғри келарди.

Шу йил республиканинг автомобилчилари 260 та шундай контейнер оладилар. Бу контейнерларни бир вақтда 130 та ЗИЛ—130 маркали автомашиналарга ортиш мумкин бўлади. Натижада юк автомашиналарининг бўш қатновини анча камайтириш учун имконият вужудга келади ва бундан кўпгина иқтисодий самара олинади.

Шиша «тўнли» трубалар

Юпқа шиша эмаль пардаси қопланган пўлат трубалар коррозияга, химиявий емирувчи модда ҳамда юқори даражадаги иссиқликка ўнлаб йил чидаш бера олади. Рига политехника институти силикатлар технологияси кафедрасида шундай вазифани бажарадиган модда ишлаб чиқилди.

Шиша кукун қилиб туюлади ва сувга аралаштириб атала ҳолига келтирилади. Трубаларнинг ички ва ташқи юзига иҳота қатлами югуртириш учун у тайёрланган суюқликка ботирилади ва сўнгра юксак частотали электр майдонидан ўтказилади. Қоплама эриб, миллиметрнинг ўндан бир неча улушича қалинликда яхлит плёнка ҳосил қилади. Бутун шу жараённи автоматлаштириш мумкин.

Мелиорацияда, иссиқ сув тармоқларида ишлатилувчи қувурларни, водопровод қувурларини, шунингдек ҳар қандай металл буюмларни, шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари сақланадиган идишларни ташқи муҳит таъсиридан шу тахлитда пухта асраш мумкин бўлади. Таклиф этилган янгилик синовдан яхши ўтди ва халқ хўжалигига жорий этилмоқда.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН

Юнусобод массивининг СА—2 микрорайонига бундан икки йил олдин кўчиб келдик. Замонавий типда қурилган 10 та тўрт қаватли уйлар шинамлиги ва қулайлиги билан ҳаммамизни мамнун этди. Шу уйлар атрофида ташландиқ бир майдонча бор эди. Янги қўни-қўшнилар маслаҳатлашиб шу ерга тўй-ҳашам ўтказиладиган ва маданий хордиқ чиқарадиган бир бино қурсак деган фикрга келдик. Ҳашар йўли билан бу даргоҳнинг пойдеворини қуришга киришдик. Ниҳоят узунлиги 20 метр, эни 10 метр бўлган айвон қуриб битказилди. Стол-стул, қозон-ўчоқ ва бошқа анжомлар қўйиш учун ҳам алоҳида иккита уй қурилди.

Янги қурилган тўйхонада биринчи никоҳ тўйини ўтказишга тайёргарлик бошланди. Дилбар опанинг ўғли Муроджоннинг никоҳ тўйи замонавий тарзда, ихчам, режали, файзли ва хурсандчилик билан ўтди. Тўй кечасида тўпланган меҳмонларни маҳалла комитети, активлар, меҳмондўст ёшларимиз ўз хизматлари билан мамнун этдилар.

М. НАБИЕВ.

БИЛДИРИШ

18 февраль соат 11 да Округ офицерлар уйида партия комитетлари, ҳарбий қисмлар ва муассасалар, шаҳар «Билим» жамияти ташкилоти лекторлари ва докладчиларининг Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флотининг 66 йиллигига бағишланган оммавий-сиёсий тадбирларни ўтказиш бўйича инструктив семинари ўтказилади. Семинарни Туркистон ҳарбий округи сиёсий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, пропаганда ва агитация бўлимининг бошлиғи полковник Д. И. Буданов олиб боради.

Партия комитетлари ва шаҳар «Билим» жамияти ташкилотининг лекторлари, докладчилари ва сиёсий ахборотчилари таклиф этилади.

* * *

«Раҳбар минбари» доимий ишловчи туркуми тингловчилари диққатига.

17 февраль соат 16 да «Билимлар уйи»да (Киров кўчаси, 24) туркумнинг навбатдаги машғулоти ўтказилади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Ш. М. Ҳожимуротов, шаҳар пассажир транспорти ишларини координация қилиш ва ривожлантириш бошқармасининг бошлиғи С. Р. Раҳмонов, шаҳар турар жой бошқармаси бошлиғи У. А. Ризаев ва шаҳар савдо Бош бошқармаси бошлиғи Н. А. Аҳмедов ўртоқлар тингловчилар ҳузурида сўзга чиқишади.

Партия комитетларининг ва «Билим» жамиятининг лекторлари таклиф этилади.

Редактор
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ

РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ
ВА ШАҲАР КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ
20 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ
ШАҲАР ЭКРАНЛАРИДА
«ДИВИЗИЯ КОМАНДИРИНИНГ БИР КУНИ»
НОМЛИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ
НАМОЙИШ ҚИЛАДИ

Ёзувчи Александр Бекнинг шу номли асари асосида.

Сценарий муаллифи — ВАСИЛИЙ СОЛОВЬЕВ.
Режиссёр — ИГОРЬ НИКОЛАЕВ.

Ролларни ижро этадилар: Валерий ЦВЕТКОВ, Алексей САФОНОВ, Михаил УЛЬЯНОВ, Александр МИХАЙЛОВ, Владимир ЗАМАНСКИЙ ва бошқалар.

Бу фильм бизни 1941 йилнинг ўша машаққатли декабрь кунлари воқеалари ичига олиб киради.

...Волоколамский шоссеси, 38-километр. Олий Қўмондоннинг буйруғи содда ва тушунарли — бир қадам ҳам орқага чекинилмасин, орқада Москва турибди.

Томошабин кўзи олдидан дивизия командирининг фақат бир куни воқеалари ўтади. Генерал-полковник Афанасий Павлантьевич Белобородов тўрт йилдан ортиқ муқаддам ўша кезларда бошлаган зафарли йўлини Берлин остонасида ниҳоясига етказади.

М. ГОРЬКИЙ НОМЛИ КИНОСТУДИЯ МАҲСУЛОТИ.

МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИДА АБОНЕМЕНТЛАР БЕРИЛАДИГАН КУНЛАРДА Ж. ЛОНДОННИНГ ТЎРТ ЖИЛДЛИ КЎП ТОМЛИ НАШРИГА АБОНЕМЕНТЛАР ТАРҚАТИЛАДИ.

1984 йил 17 февралда ҳар бир қабул пунктда 50 тадан абонемент тарқатилади.

18 ва 19 февралда ҳар бир қабул пунктида 50 тадан абонемент тарқатилади.

Бир йўла камида 20 килограмм макулатура топширилганидан кейин абонемент берилади ва нашрнинг сўнгги жилди олинаётганида топширилган макулатуралар ҳисоблаб чиқилади.

Ҳар бир жилд учун 20 килограммдан ҳисобида макулатура топширган киши тўла комплектни олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Топширувчига кўп жилдли нашр учун фақатгина битта абонемент берилади ва унга абонементнинг берилган куни ёзиб қўйилади.

Кўп жилдли нашрни олиш учун етмаган макулатурани қабул қилиш рақамлар шкаласи бўлган абонемент кўрсатилиши билан макулатуралар қабул қилинади. Макулатураларни қабул қилиб олиш ва маркаларни бериш пайтида тайёрловчи абонементдаги рақамлар шкаласидан топширилган макулатуранинг оғирлигига монанд келадиган рақамлар миқдорини қирқиб олади.

Биринчи ва охирги жилд учун макулатура топшириш пайтида топширувчига 1, 3, 5 ва 10 килограмм номиналли марка берилади. Бу маркалар абонементнинг ўнг томонига ёпиштирилган бўлади.

Тошкент китоб савдоси бўлими магазинларида кўп жилдли нашр учун берилган абонементлар бўйича китоблар сотилади. Ана шу магазинлар ва уларнинг иш соатлари рўйхати қабул пунктларида осиб қўйилган.

Кўп жилдли нашр абонементларининг эгалари икки ҳафта муддат ичида топширилган макулатура учун китобларни алмашувга сотадиган исталган китоб магазинларида рўйхатдан ўтишлари керак. Бунда абонементнинг устки қисмига магазиннинг штампи босилади. Шунга биноан абонементда кўрсатилган нашрнинг барча кейинги жилдлари сотиб олинади ва абонементга бириктирилган талон қирқиб олинади.

Топширувчи нашрнинг охирги жилдини абонементга алмаштириб олади.

Абонементлар жума кунлари соат 18.00 дан бошлаб, шанба ва якшанба кунлари эса соат 9.00 дан бошлаб тарқатилади.

Қолган кунларда эса макулатуралар абонементларга бериладиган маркалар комплектини тўплаш учун қабул қилинади.

Макулатуралар, иккиламчи хом ашёлар чекланмаган миқдорда 52—01 прейскурантига биноан топширилган макулатуранинг 1 килограммига 2 тийиндан, жун латта, жун аралашган латтанинг 1 килограмми учун 16 тийиндан, ип газламали, каноп ва қопнинг 1 килограмми учун 6 тийиндан ҳақ тўланади.

Қабул пунктлари ҳар куни (жумадан ташқари) **соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Танаффус соат 13.00 дан 14.00 гача. Жума куни соат 11.00 дан 21.00 гача ишлайди. Танаффус соат 14.00 дан 15.00 гача.**

ДУШАНБА— ДАМ ОЛИШ КУНИ.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Макулатуралар газета, китоб-журнал, рўзғор картони ва ўраш қоғози турларига қараб алоҳида ўрам қилиб боғланган ҳолда, гражданларнинг турар жойларидан қатъий назар жонли навбат тартибида қабул қилинади.

ҲУРМАТЛИ ГРАЖДАНЛАР!

Абонементлар олиш учун қабул пунктларига макулатуранинг уюшқоқлик билан топширилиши адабиётнинг китоб савдоси шахобчаларига тезроқ йўл олишига имкон беради.

Абонементлар олиш масаласи юзасидан 48-04-93 телефон номери бўйича мурожаат қилинг.

«Тошкент шаҳар «ВТОРСИРЬЕ» ишлаб чиқариш-тайёрлов корхонаси.

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 16/II да **Бўрон,** 17/II да **Уйқудаги гўзал,** 18/II да **Пётр Биринчи.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 16/II да **Олтин девор,** 17/II да **Келинлар қўзғолони,** 18/II да **Юлдузли тунлар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 16/II да **Тошкентликлар,** 17/II да **Мангулик,** 18/II да **Тошболта ошиқ.**

кино

16 ФЕВРАЛДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ДИВА» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон 35-24-92), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ЖАРЛИК» —**Искра** (17.00, 20.00; телефон 39-14-59).

«ҚУТЛОВ» — **Ҳамза номли** (16.00, 18.30, 21.00; телефон 91-10-51).

«ОМАДСИЗЛАР» — **Ватан** (тоқ соатларда), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Қозоғистон** (тоқ соатларда), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07).

«ТЕЗЛИК» — **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«ҲАР ҚАНДАЙ ХАВФ-ХАТАРСИЗ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07).

«ОЙ КАМАЛАГИ» —**Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«ГАИ ИНСПЕКТОРИ» — **М. Шайхзода номли** (тоқ соатларда, телефон 42-39-74).

«УЛҒАЙИШНИ ИСТАМАЙМАН» — **Ғ. Ғулом номли** (жуфт соатларда, **М. Шайхзода номли** (тоқ соатларда, телефон 42-39-74).

«СЕНИНГ МУҲАББАТИНГ» — **Санъат саройи** (катта зал, 16.00, 18.20, 20.30, кичик зал, 17.00, 19.45; телефон 44-21-74).

ТВ

пайшанба

16 ФЕВРАЛЬ

● МТ I

18.30 «Шахмат мактаби». Разрядлилар учун.
19.00 Г. Берлиоз. «Рим карнавали». Чех филармониясининг симфоник оркестри ижро этади.
19.15 «Дунё воқеалари»
19.30 «Миллионлар ленинча университети». «Меҳнат — жамият — инсон».
20.05 «Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ». Ёш ижрочиларнинг Бутуниттифоқ телевизион конкурси. Таллиндан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.10 XIV қишки Олимпиада ўйинларида. Хоккей. Кўрсатув тугагач (24.00)— «Дунё воқеалари».
00.15—00.35 Тоғ чанғи спорти.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Тилла шохли буғи». Ҳужжатли фильм.
19.00 XIV қишки Олимпиада ўйинларида. Тоғ чанғи спорти.
19.35 —20.30 Воронеж телевидение студиясининг программаси. «Қора тупроқ марказида».
20.45 «Душанба—дам олиш куни». Пермь картиналар галереси ҳақида телевизион ҳужжатли фильм.
21.30 «Время».
22.10 —00.05 «Шчорс». Бадиий фильм.

● Ўз ТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мен тинчлик учун овоз бераман».
18.45 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш.
19.05 КПСС Марказий Комитети декабрь (1983 й) Пленуми қарорлари —ҳаётга! «Ўзбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасидан репортаж.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Бир асар тарихи». «Бобурнома».
20.30 «Ахборот».
20.50 Эстрада концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.10 «Камера фош этади». «Бу эркин дунё».
23.35 Янгиликлар.

II

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 Ўқитувчилар учун консультация.
18.45 Классик куй саҳифалари.
19.25 «Қишлоқ ҳаёти» (рус.).
19.50 Реклама.
20.00 Янгиликлар.
20.20 «Китоб дўстлари» (рус.).
20.50 «Советлар мамлакатининг кишилари». Кинопрограмма.
21.30 МТ II.

жума

17 ФЕВРАЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.50 Олимпиада кундалиги.
10.05 «Ўсмирлар ижоди».
10.35 «Бу шаҳарда». Ҳужжатли фильм.
10.50 «Шчорс». Бадиий фильм.
12.40—12.45 Янгиликлар.
15.30 Янгиликлар.
15.45 «Инсон ва табиат». Ҳужжатли фильмлар. «Сувдаги излар». «Навдаларнинг шитирлашидан бошқа».
16.25 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида».
17.25 «Сайловлар олдидан».
17.55 XIV қишки Олимпиада ўйинларида. Биатлон.
19.20 «Дунё воқеалари».
19.35 XIV қишки Олимпиада ўйинларида. Фигурали учиш.
21.30 «Время».
22.10 XIV қишки Олимпиада ўйинларида. Хоккей. Танаффус пайтларида (22.40) — Олимпиада кундалиги, (23.30) — «Дунё воқеалари».
00.20 Тоғ чанғи спорти.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Вақтдан ютиш керак». Илмий-оммабоп фильм.
12.05 М. И. Глинка. Вальс-фантазия.
14.30 «Караев чашмалари». Телевизион очерк.
15.00 «Салом, дельфин». Илмий-оммабоп фильм.
15.15 «Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади. КПСС МК мактабни ислоҳ қилиш тўғрисидаги Лойиҳасини муҳокама қиламиз.
15.40 «Звездочёт». Телевизион журнал.
18.30 Янгиликлар.
18.50 Л. Бетховен. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун. 5-концерт.
19.30—20.30 «Саёҳатчилар клуби».
20.50 Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
21.20 «Энергиянинг иккинчи умри». Илмий-оммабоп фильм.
21.30 «Время».
22.10—00.20 «Уч номаълумли масала». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар

● Ўз ТВ I

11.00 «Ахборот».
11.20—11.30 Телефильм.
12.00 Болалар учун. «Санъат ғунчалари» (такрорий).
12.30 «Касблар ҳақида ҳикоялар» (рус.).
13.00 «Лазер ҳосил учун ишламоқда». Илмий-оммабоп программа.
13.45 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Қўғирчоқ фильм.
18.30 «Ҳаёт каби тирик».
19.00 «Ғоядан жорий этишгача» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Кинопублицист экрани.
20.30 «Ахборот».
20.50 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «К. Отаниёзов куйлайди». Фильм-концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.10 «Дунё воқеалари».
22.40 «Телевизион экранда биринчи марта. «Олтин мавсум». Бадиий фильм.
24.00 Янгиликлар.

II

9.00—16.30 МТ II.
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 Болалар учун фильм. «Қиролнинг янги либоси».
19.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Касбим—фахрим».
19.50 «Саёҳатчилар киноальманахи». Киножурнал.
20.00 Янгиликлар.
20.20 Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. Собир Раҳимов райони.
20.50 «Оила ва мактаб». Кинопрограмма.
21.30 МТ II.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газета редакцияларининг коллективи редакция ходими Ш. Муҳамедовага отаси

Юсуфбек МУҲСИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон КП Ленин район комитети ва халқ депутатлари район Советы ижроия комитети район партия комитети бюросининг аъзоси, район халқ контроли комитети раиси К. Жўраевга онаси

Очил ЭРМАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон КП Ҳамза район комитети ва халқ депутатлари район Совети район ижроия комитети Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиумининг партия ташкилоти секретари М. А. Аброровга онаси

Обидахон АЗИЗОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент политехника институтининг радиоэлектроника ва автоматика факультети ҳамда радиоэлектроника асослари кафедраси коллективи шу кафедра катта ўқитувчиси Р. И. Йўлдошевга отаси

Йўлчи ЙЎЛДОШЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
16 ФЕВРАЛЬ, 1984 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

Р—12089. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12